

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
З.М. БОБУР НОМИДАГИ АНДИЖОН ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИ**

**ТАРИХ ВА ИЖТИМОИЙ ФАНЛАР ФАКУЛЬТЕТИ
ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ КАФЕДРАСИ
Тарих таълим йўналиши IV курс битирувчиси
МАМАТАЗИМОВ ҚУДРАТнинг**

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

**Мавзу: XIX аср охири – XX аср бошларида Андижон
шаҳридаги савдо муносабатлари тарихидан.**



Илмий раҳбар:

**БОЗОРОВ Қ.
катта ўқитувчи**

АНДИЖОН – 2015

**Мавзу: XIX аср охири – XX аср бошларида Андижон
шаҳридаги савдо муносабатлари тарихидан.**

РЕЖА

КИРИШ

- 1. БОБ. Андижон шаҳрида Россия подшолиги бошқарув тизимининг қарор топиши**
- 2. БОБ. Андижон шаҳрига рус ва чет эл сармоясининг кириб келиши**
- 3. БОБ. Андижон шаҳрида ички ва ташқи савдо алоқаларининг ривожланиши (XIX аср охири – XX аср бошларида)**
- 4. БОБ. XIX аср охири – XX аср бошларида Фарғона водийсида пахта ва ипакчилик саноати савдо муносабатларидаги аҳамияти**

ХУЛОСА

Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	4-11
-------------------	-------------

1. БОБ. Андижон шаҳрида Россия подшолиги бошқарув тизимининг қарор топиши.....	12-23
2. БОБ. Андижон шаҳрига рус ва чет эл сармоясининг кириб келиши.....	24-29
3. БОБ. Андижон шаҳрида ички ва ташқи савдо алоқаларининг ривожланиши (XIX аср охири – XX аср бошларида).....	30-40
4. БОБ. XIX аср охири – XX аср бошларида Фарғона водийсида пахта ва ипакчилик саноати савдо муносабатларидаги аҳамияти.....	41-50
ХУЛОСА.....	51-53
Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати.....	54-55

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Ўз истиқлоли ва истиқболи сари юз тутта бораётган мамлакатимиз тараққиётига хос энг муҳим ўзгаришлардан бири-халқимизнинг ўтмиши, тарихи билан чамбарчас боқлиқ бўлган маданий меросимиз ўрганишга, уни ҳаққоний баҳолашга бўлган эҳтиёжларнинг ўса бораётганлиги билан изоҳлаш мумкин. Муҳтарам юртбошимиз И.Каримов,- *«Мустақилликка эришганимиздан кейин халқимизни ўз юрти тили ва маданияти,*

қадриятларини, тарихини билишга, ўзлигини англашга қизиқиши ортиб бормоқда»¹ -деб бежизга ёзмаган эдилар.

Халқимизнинг онги ва дунёқарашида вужудга кела бораётган бундай ижтимоий фаоллик бой маданий меросимизга нисбатан қизиқиш талабларни ривожлантира бориш билан бир қаторда, бугунги кунимиз руҳи ва характериға хос янгича муносабатлар зарурлигини такоза этиши ҳам табиий ҳолдир. Чунки, маданиятимиз ва маънавиятимизнинг ҳаётбахш замини сифати неча асрлар оша яшаб келаётган маданий меросимизни холисона таҳлил этиш ёки заруриятини англаб етиш, унинг у ёки бу намунасининг маълум бир тарихий тараққиёт босқичида тутган аҳамияти ёки қимматдорлигини белгилаш билангина масаланинг ечимини ҳал этиб бўлмайди. Бугунги кунда шу борадаги масаланинг нозик жиҳати шундаки маданий меросимиз ҳақида мушаҳода, баҳс ва мунозара юритганимизда унинг қайси бир жабҳалари мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳамда сиёсий ҳаётида, қолаверса, юртимизда барпо этилаётган озод ва обод Ватан равнақи учун қандай устувор аҳамият касб эта олишини ажрата билишимизга боғлиқ бўлади. Бунинг учун эса, маданий меросимизга бўлган эҳтиёжларимиз тизимида ҳам ижодий, ҳам танқидий меъёрлар ва қарашлар зарурлигини назардан қочирмаслигимиз лозим. Шунинг учун ҳам И.Каримов **«Биз босиб ўтган йўлимизни танқидий баҳолаб, миллий давлатчилигимиз негизларини аниқлаб, буюк маданиятимиз томирларига, қадимий меросимиз илдизларига қайтиб, ўтмишимиздаги бой анъаналарни янги жамият қўрилишига татбиқ этмоғимиз керак»¹** - деб алоҳида таъкидлаб ўтган эдилар.

Давлатимиз бошлиғи Ислом Каримовнинг республика тарихчилари

¹ Каримов И. «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» «Мулоқот» журнали 1998 йил 5-сон, -Б. 1

¹ Каримов И. «Ватан саждагоҳ каби мукаддасдир» 3-китоб, «Ўзбекистон» 1996 йил, - Б. 34

билан учрашувда (1998 йил 26 июн) сўзлаган нутқида², миллий истиқлол ғоясини шакллантириш муаммоларига бағишланган шундан кейинги чиқишларида тарих фанининг маънавий салоҳиятини сафарбар этиш, тарихий ҳақиқатни тиклаш соҳасидаги ҳаракатларнинг кенг дастури, танланган мустақиллик ва тараққиёт йўлидан бориб, мўлжалланган мақсадларга эришишнинг мустаҳкам илмий асоси белгилаб берилди. Уларда жамият тараққиётининг реал қонуниятларини чуқур ўрганиш зарурлиги, миллий тарихдаги юксалиш ва танглик даврларини янгича методологик нуқтаи назардан туриб таҳлил қилиш, чор ва совет мустамлакачи - империя тузумларининг кўрсатган бузғунчилик таъсирига доир омилларни аниқлаш, аввалги мафкуравий андозалар ва эскича тафаккур кўринишларининг такрорланишига барҳам бериш йўллари белгилаш, жамиятнинг маънавий-ахлоқий такомилга эришувида тарих фанининг таъсирини кучайтириш зарурлиги қайд қилинган. Чунки бу даврни халқимиз ҳаётидан ўчириб бўлмайди. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов таъкидлаганидек: “бу йиллар тарихи бу бизнинг тарихимиз, халқ тарихидир. Тарихдан воз кечиб бўлмайди”³ деб айтиб ўтгандир.

Ана шу ижтимоий муҳим вазифалардан келиб чиқиб, ватанимиз тарихининг оғир мустамлакачилик ўтмиши билан боғлиқ бўлган аянчли саҳифаларига бугунги кун нуқтаи назаридан қайта баҳо бериш алоҳида долзарб аҳамият касб этади. Уларга мурожаат қилишга бўлган юксак ижтимоий эҳтиёж ва унинг илмий аҳамияти аввал шу билан белгиланадики, чор ҳукмдорлиги ва совет ҳокимияти йилларида ўтказилган диктаторлик сиёсати оқибатида мустамлакачилик тарихи (совет даври ҳам шу тарихнинг таркибий қисми эди) ниҳоятда соҳталаштириб, бузиб кўрсатилди. Узоқ йиллар мобайнида ижтимоий онг-шууримизга чор Россияси ва коммунистик режимнинг Ўрта Осиёдаги

² Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. — Т.: Ўзбекистон. — 1998.

³ Ўша асар, — Б. 48.

фавқулодда «цивилизаторлик вазифаси» тўғрисидаги, ўлканинг «қолоқ» халқлари марказнинг давлат бошқаруви натижасида гўё «зўр муваффақиятлар»га эришганлиги ҳақидаги афсона астойдил тарғиб этилди. Лекин бунда чор ҳукумати амалга оширган иқтисодий сиёсатнинг ваҳшиёна моҳияти ҳақида лом-мим дейилмади, совет террорчилик тузуми ҳақиқатда чор мустабид тартиботининг империяча-мустамлакачилик анъанаси давом эттирилишидан иборат бўлганлиги зўр бериб бўяб кўрсатилди. Ўша йилларда ўлканинг табиий хом ашё бойликлари тўхтовсиз ташиб кетилди, ўзбек халқининг кўп минг йиллик миллий-маданий бойлиги талон-тарож қилинди ва маънавий асоратга солиш сиёсати амалга оширилди.

Империя марказининг Туркистонга истеъмолчилик билан муносабатда бўлиши, ўзбек халқининг ўз миллий тақдирини ўзи эркин равишда белгилаш ҳуқуқи инкор этилиши, бир асрдан кўпроқ давом этган иқтисодий ва маънавий зулм беҳад ва узоқ муддатли бузғунчилик оқибатларига олиб келдики, унинг оқавалари ҳали-ҳануз давом этиб келмоқда. Уларни тўла-тўқис бартараф этиш учун чор мустабидчилиги ва октябр тўнтаришининг жинояткорона амалиёти туфайли вужудга келган оғриқли жараёнлар сабабларини очиб бериш мақсадида иқтисодий ва ижтимоий-маънавий соҳалардаги амалга оширилган ривожланиш механизмининг келиб чиқиши, қарор топиши ва тадрижий тараққиётини илмий жиҳатдан тавсифлаб бериш лозим.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, совет давлатининг инқирози тарихан шарт бўлганига қарамасдан ҳозирга қадар совет тузумидан кейинги ҳудудларда империяча Иттифокни ва собиқ мустабид тузумни тиклаш умидидан воз кечмаган кучлар сақланиб қолганлиги, коммунистик тузумнинг сиёсий, мафкуравий ва иқтисодий ҳукмронлигини тиклашга уринишларнинг мавжудлиги айрим кишиларнинг, хусусан ёшларнинг ҳали пишиб етилмаган онг-шуурига таъсир этиб, мамлакат мустақиллигига реал хавф туғдиради.

Ватанимиз таракқиётида тутган ўрни ва аҳамияти беқиёс бўлган қишлоқ аҳолининг ҳаётини замонавий мезонларга жавоб берадиган даражага кўтариш ва умуман, қишлоқ хўжалиги соҳаси ривожига ривож кўшиш, унинг самарадорлигини ошириш бугунги кунда энг долзарб, ҳаётнинг ўзи талаб қилаётган муҳим бир вазифага айланмоқда.”¹

Биз мазкур битирув малакавий ишда XIX аср охири ва XX аср бошлари Андижон шаҳридаги савдо муносабатлари тарихини ёритишга ҳаракат қилдик.

Мустақиллик йилларида Андижон шаҳри тарихини ўрганиш бўйича бир қатор китоблар нашр юзини кўрди². Ушбу китоблар Андижоннинг қадимги тарихидан бугунги кунгача босиб ўтган йўли ёритиб ўтилган. Шунингдек ушбу китобларда Андижон Чор Россия томонидан босиб олинishi, мустамлакачилик даврида шаҳардаги савдо муносабатлари ҳақида ҳам маълумотлар келтирилган.

Шунинг учун битирув малакавий ишда Андижон шаҳридаги мустамлакачилик давридаги савдо муносабатлари ўрганиш ва тадқиқ этиш бугунги кун долзарб масалаларидан бири саналади. Биз БМИда манба ва адабиётлар асосида ана шу масалаларни ёритиб ўтишга ҳаракат қилдик.

Мавзунинг амалий аҳамияти. Ватанимиз тарихининг мустамлакачилик ўтмиши оқибатларини миллий истиқлол мафкураси, янгича ёндашув асосида тадқиқ қилиш, тарихий ҳақиқатни тиклаш тарихчиларнинг ҳозирги кундаги муҳим вазифасидир. Бу вазифанинг илмий аҳамияти шундаки, Туркистон ўлкасининг метрополиянинг пахта

¹ Ватанимизнинг босқичма-босқич ва бартараф ривожланишини таъминлаш – бизнинг олий мақсадларимиз. Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 16 йилигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси // “Халқ сўзи”, 2008 йил 6 декабрь

² Жаннатмакон Андижон. Шокаримов С., Султонов А. - Т. “Тошкент ислом университети” нашриёти, 2002.; Бугунги Андижон. - Т. “Ўзбекистон”, 2006; Кўхна ва навқирон Андижон. Масъул муҳаррир. Мадумаров Т. Муаллифлар: Шамсутдинов Р., Мамажонов М., Матбобоев Б., Бозоров Қ., Жумабоев И. - Т. “Шарқ”, 2010; История Андижана в документах и материалах (1876-1917 гг). Андижанский гос. Ун-т. им. Бабура, международный фонд научно-практический экспедитсии «Мерос» («Наследие»); сост. Р.Т.Шамсутдинов, С.Хошимов, К.Базаров.- Ташкент: «Шарқ», 2012; Шамсутдинов Р.Т.Исҳоқов А.А. Андижон тарихидан лавҳалар. – Т.; “Sharq”, 2013. Шарафиддинов А. Фарғона вилояти тарихидан лавҳалар. (XIX аср охири – XX аср бошлари) I – китоб. – Т.; “Наврўз”, 2013.

хом ашё базасига айлантирилиши, республикада етиштирилган пахтанинг марказга ташиб кетилиши тўғрисида лом-мим дейилмаган. Жумладан, Туркистонда қишлоқ хўжалиги бир томонлама ривожлангани, асосан, пахтачиликни ривожлантиришга йўналтирилгани оқибатида пахта монокултураси қарор топганлигини тарихий асарларда ёритишига совет ҳукумати йўл бермаган. Бунинг оқибатида бу масалалар ҳозиргача етарли даражада тадқиқ қилинмаган.

Мазкур битирув малакавий ишида Андижон шаҳрида Чор мустамлакачилик бошқарув тизимининг қарор топиши, XIX аср охири ва XX аср бошлари Андижон шаҳридаги савдо муносабатлари баён қилинган.

Яъни ишда Андижон шаҳаридаги савдо-саноат корхоналари бўлган фаолияти ёритилган. Жумладан А.Ф.Стефаннинг пива заводи, А.П.Злыгостевнинг колбаса заводи, А.Б.Зоништейннинг сарторошхонаси, А.М.Ратсбауннинг тиш шифохонаси бўлган. Шаҳарда газ-мол ва атторлик моллари магазинлари бўлган: биргина Николаевский кўчасида П.Е.Смирнов, М.В.Кислов, Мирвоҳид Мирҳамидов, Анна Мерело, Зельманович, ака-ука Инағомовларнинг магазинлари бўлган. Шаҳарнинг иккинчи қисмидаги катта бозорда Т.И.Муҳаммедов, И.А.Хўжаев, М.У.Абдукаримов, Або Давидов, Қипчоқбой Мавлонбоев, Рўзиматқори Қозоқхожиев, Турсунбойсўфи Хўжаев, Муҳаммад Комил Муҳаммад Умарбоев, Муҳаммад Азим Юнусов, Холдарбой Муҳаммад Зокирбоев, Тошмуҳаммад Турдихўжаевларнинг магазинлари бўлган.

Шаҳарда Россиядан келтирилган ёғоч-тахта материаллари сотиладиган хусусий омборлар бўлиб, уларнинг эгалари Л.П.Айрапетов, А.Алахбердов, А.Каренянтс, М.Мирзаянтс, А.Саркисок, Хачатур Айрапетов, Арсен Амиржанов, Гайк Сарсикянтс, Нерсес Айрапетов, “Тригориев ва Аванесов” Уйи, Акоп Давидянтс арман миллатига мансуб кишилар бўлган.

Четдан келганлар учун “Московские” (Жафар Агаев), “Россия” (Т.Г.Каравайтсев), “Русь” (Е.В.Корсукова), “Париж” (А.К.Андр), “Одесса” (Амбартсум Шакаров), “Европа” меҳмонхоналари мавжуд бўлган. Янги шаҳарда Классон Николай Петровичнинг Николаевский кўчаси Пинхасов уйида, Утямишев Ахмет Валиевнинг Николаевский кўчаси Хаимов уйида, Бурштейн Мензель Мордухнинг Николаевский кўчаси Пинхасов уйида, Григорий Абрамович Неймаркнинг Скобелевский кўчаси Ўроқ эшон уйида, Александровский кўчаси Бабечов уйида дорихона дўконлари ишлаб турган.

Мавзунинг мақсад ва вазифалари. Битирув малакавий ишни бажаришда куйидаги мақсад ва вазифалар қўйилган:

- Андижон шаҳрида Чор мустамлакачилиги бошқарув тизимининг қарор топишини ҳақида умумий тушунча бериш адабиёт ва манбалар асосида;
- Чор мустамлакачилиги бошқарув тизимини ўзига хос томонлари ҳақида маълумотлар бериш;
- Мустақиллик йилларида Андижон тарихига оид яратилган асарларнинг шарҳлаш;
- Андижон рус ва чет эл капиталининг кириб келиши ва унинг аҳамияти ҳақида маълумотлар келтириш;
- Андижон шаҳридаги капиталистик муносабатларни қарор топишини ёритиш;
- Товар – пул муносабатларининг вужудга келишини тавсифлаб бериш;
- XIX аср охири – XX аср бошларидаги Андижон шаҳрининг ижтимоий, иқтисодий ҳаёт ёритиш;
- XIX аср охири – XX аср бошларидаги Андижон шаҳридаги савдо муносабатлари тарихи ҳақида фактик маълумотлар бериш;

- Андижон шаҳридаги пахта ва ипакчилик саноатининг савдо муносабатларининг ривожлантиришдаги ўрни ва ролини очиб бериш.

Мавзунинг илмий янгили. Андижон шаҳрида мустамлакачилик бошқарув тартибини қарор топиши, рус ва чет эл капиталининг кириб келиши ва Фарғона вилояти шаҳарлари орасида ташқи савдода алоҳида ўринга эга эканлиги мазкур ишда маълумотлар асосида баён этилган. Ишда шунингдек Андижон шаҳрида XIX аср охири – XX аср бошларида капиталистик муносабатларнинг қарор топиши, пахтачилик, ипакчилик саноатининг ривожланишини, маҳаллий савдогарларнинг фаолиятлари очиб берилган.

Хуллас, мазкур битирув малакавий ишимизда Андижон шаҳрининг XIX аср охири – XX аср бошларидаги тарихи ҳақида қимматли маълумотлар келтирилган ва бу маълумотлар таҳлил қилишга ҳаракат қилдик.

Ишнинг таркибий тузилиши. Битирув малакавий иш кириш, 4 та боб, хулоса, фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати ва тақдимот қисмларидан иборат.

1. БОБ. Андижон шаҳрида Россия подшолиги бошқарув тизимининг қарор топиши

Рус босқинидан сўнг бутун Туркистон каби Андижонда ҳам Россия подшолиги бошқарув тизими ўрнатилди.

Муҳаммад Азиз Марғилонийнинг “Тарихий Азизи” асарида қайд қилинганидек, 1876 йили Андижон уезди ташкил бўлиб, унинг бошлиғи Смирнов бўлган (бошқа манбаларда Семёнов). Архив манбаларнинг бирида Андижон уезди бошлиғи подполковник Кошиевский бўлгани, 1866 йил 8 августдан прапорщик лавозимида харбий қисмда хизмат қилгани, 1876 йил 6 мартдан Андижон уезд бошлиғининг катта ёрдамчиси бўлиб хизмат қилгани, ўзбек тилини яхши билгани, маҳаллий тилда эркин ёзишни билгани қайд этилган. Хуллас, Андижон уездининг биринчи бошлиғи рус миллатига мансуб Смирнов бўлган. Уезд ер ўлчовчиси В.Колодовкиннинг 1890 йили тузган (**“Карта Андижанского уезда Ферганской области”**) харитасида Андижон уезди таркибида *Балиқчи, Норин, Хақулбод, Избоскан, Олтинкўл, Хакан, Ёрбоши, Магир, Новкент, Қўқонқишлоқ, Бозорқўрғон, Ойим, Қўрғонтепа, Қорасув, Кўгарт, Жалолқудуқ, Чанкент, Жалолбод, Майлисой, Моси, Кенколқорагир, Қоракўлсарисуи* волостлари бўлган.¹

Фарғона области манзиллар маълумотномаси китобида қайд қилинишича 1908 йилда Андижон уезди бошлиғи Юлиан Алдрович Бржезицкий, унинг ўринбосари Я.Е.Полюдов, котиби И.В.Новоселов, хат ташувчиси Ф.Д.Ришков, иш бошқарувчиси П.А. Архипов, тилмочи Иса Тергиусизов бўлган.

¹ Шамсутдинов Р.Т.Исҳоқов А.А. Андижон тарихидан лавҳалар. – Т.: “Sharq”, 2013. – Б. 153.

Уезд шифокори Осип Михайлович Ординетс, фельдшер М.И.Носенко, акушерка А.П.Владимирова, ветеринария врач Н.К.Захаров бўлган.

Андижон шахрининг биринчи қисми политцияси А.К.Колесинский, иккинчи қисми политцияси А.Б. Михайлов, учинчи қисми политцияси Н.Н.Черкес, шаҳар бош оқсоқоли лавозими вақтинчалик бўш турган. Уйлуқ даҳаси оқсоқоли Абдукодир Хожиев, Олайлиқ даҳаси оқсоқоли Заҳириддин Маҳсудов, Қирлиқ даҳаси оқсоқоли Абдуқаҳҳор Орзикулбеков бўлган.

Шаҳар хўжалик бошқармаси бошлиғи В.Т.Коньков бўлган, унинг таркибида шаҳар депутатларидан В.О.Куровский, А.А.Чайкин ва Ёкубали Хўжа Хожиматов бўлган.

Шаҳар меъмори Травин, шифокори В.В.Кушорников, касалхона хузуридаги врач Г.А.Ротенберг, врач аёл М.С.Голашевская, шаҳар фелдшери П.П.Куптсов, касалхона бошлиғи Г.М.Будаевский, шунингдек, шифокор ва фельдшерлар—Г.И.Марков, М.Ф.Петрова, Л.П.Поваренкова, Багдановалар касалхона ходимлари бўлган. Андижон уезди ер солиғи бошлиғи И.Ф.Якстир, давлат мулки бўйича мудир А.Ф.Копачели, ер ўлчовчиси А.Ф.Стариков, котиби Д.Е.Конад бўлган.

Махсус ҳарбий мажбурият бўйича подполковник Я.Е. Полюдов бўлган. Шаҳар кутубхонаси мудираси София Петровна Олифина бўлган.

Ҳарбий горнизон бошлиғи С.И.Петров, 1-рота камандири В.И.Медвелов, 2-рота штаб капитани И.Н.Нестеренко, кичик офитсер Н.А.Вартанянс, озиқ-овқат магазини мудир Янин, инженер А.Н.Востоков бўлган. Андижонни Янги шаҳарида тўрт синфли билим юрти бўлиб, унинг ўқитувчи инспектори Н.Г.Павлов, ўқитувчилардан В.Ф.Поливанный, П.А.Наумовлар бўлган. эркаклар қавми билим юртининг директори Х.М.Белов, ўқитувчилари Е.П.Петров, Л.В.Котовичлар, аёллар қавми билим юрти мудираси О.П.Ковалевская, ўқитувчилари М.И.Кольчинская, Н.Д.Мерзиковалар бўлган, рус-тузем

мактаби мудир Д.К.Назаров, ўқитувчиси Сайидбой Шарифбоев бўлган. Андижон уезди суд ва адвокатура тизимида Н.Н.Алехин, М.С. Гняздовский, В.Н.Кузнецов, А.И.Брезгунов, Ф.Ф.Левитский, Т.Г.Дряхлов, э.П.Лензен, Б.В.Левинзон, Г.С.Ячник, А.А.Бротсинлар бўлган. Андижон уезди почта-телеграф идорасининг бошлиғи Ф.Х.Зинберг бўлган. Давлат банки бўлими бошқарувчиси Н.Е.Енгельгарт, ғазначиси А.Г. Введенский бўлган. Шаҳардаги Сибир банки бошқарувчиси Д.Л.Аронсон, Азовский банки бошқарувчиси Л.Б.Херумьян, Москва банки директори К.З.Сечкин, Москва Савдо банки бошқарувчиси А.И.Артельш, Рус-Осиё банки директори В.Я.Комаровский бўлган. Андижон шаҳар темир йўл стантсияси бошлиғи П.Е.Купиков, ёрдамчилари В.М.Донченко, П.Ф.Петров, Депо бошлиғи Н.А.Еремеев, шифокор А.И.Белогужев, моддий обдорхона мудир С.И.Понушко, билет кассири М.Н.Портных, товар кассири П.С.Шерстобитов, юк туширувчи, юк юкловчи сарой назоратчиси Г.И.Андреев, йўл хизмати бошлиғи Баторский, бинолар назоратчиси П.В. Ребреев, телеграфист А.Г.Андреев бўлган. Шаҳарда ўлкадаги “Туркистон” номли муҳтожларга ёрдам берувчи жамиятнинг Андижон бўлими раисаи уезд бошлиғи Ю.А.Бржезитскийнинг хотини Фаина Ивановна Бржезитская бўлган.¹

Андижон уезди бошқаруви уезд бошлиғи, унинг иккита катта ва кичик ёрдамчиси, шаҳар бошлиқлари, бўлис (волост) бошлиғи, обер офитсер (кичик зобит), участка (бўлим) приставидан иборат бўлган.

Андижон уезд бошлиғи тасарруфида участка пристави, маҳалла оқсоқоллари, элликбоши, ўнбоши, шаҳар жамоатчилиги ноиблари, мироббоши, ариқ оқсоқоли, миршаббоши, қўрбоши (миршакблик хизмати), йигитлар миршаблардан иборат бўлган.

¹ Ўзбекистоннинг янги тарихи. Биринчи китоб. Туркистон Чор Россияси мустанлакачилиги даврида. Тузувчилар: Содиқов Х., Шамсутдинов Р., Равшанов П. ва бошқ. Таҳрир ҳайъати: Азизхўжаев А. – Т.: Шарқ, 2000, – Б. 198.

Андижон уезд бошлиғи ўзи билан “Наган” револьверини олиб юриш ҳуқуқига эга бўлган.

Шаҳар ва маҳалла мингбоши ва оқсоқоллари билан алоқа қилиб туриш, улар фаолиятини назорат қилиш мақсадида Андижон уезди бошлиғи тасарруфида ўзбек ва рус тилини яхши биладиган, ёзадиган маҳаллий миллат вакилларида тилмочлардан Сулаймон Келгинбоев, Юсуфжон Чоришев ва Жўрабоевлар бўлган.

Халқ хўжалигининг турли соҳалари бўйича ҳам бошқарув тизими жорий қилинган. Масалан, 1877 йил 6 майдан Андижон уезд шифокори лавозимига еттинчи даражали мансаблар бўйича маслаҳатчи Мездриков тайинланади. 1877 йил 10 июнда Туркистон генерал-губернаторлигидаги маслаҳатчи Раҳманов Андижон уезди судияси қилиб тайинланади. 1878 йил октябрида Тошкент шаҳар хўжалик бошқармасининг собиқ котиби, коллеж котиби Шатунов Андижон уезди иш бошқарувчиси Шатунов ёрдамчиси лавозимига қўйилади. Унгача бу лавозимда коллеж котиби Леханов хизмат қиларди. ОМСКдан Туркистон ўлкасига келган маёр Иванов Андижон уезди бошлиғининг катта ёрдамчиси бўлиб тайинланган.

Андижон уезд бошқарув органлари миқдори йилдан-йилга ўсиб борган. Агар 1877 йил августида уезд бошқаруви 10 кишидан—уезд бошлиғи, унинг икки ёрдамчиси, иш бошқарувчи ва унинг икки ёрдамчиси, ёзма тилмоч, уезд судияси, уезд шифокори, уезд акушеридан иборат бўлган бўлса, 1901 йилга келиб, Андижон уезди маъмурий—политциячи бошқарувида 17 киши хизмат қилган: уезд бошлиғи, унинг ёрдамчиси, 5 та участка приставлари, политсия пристави, котиб, икки хат ташувчи, ёзма тилмоч, уезд шифокори, шаҳар шифокори, акушеркаси, шаҳар архитектори, уезд ер ўлчовчидан иборат бўлган. Бу мустамлака аппаратида ашаддий бюрократизм, сан-санорлик ва корруптсия авжига минган. Чор амалдорлари маҳаллий халқнинг талаб эҳтиёжларига, иқтисодиёт ва маданият ривожига панжа орасидан қарарди.

Андижон уезди таркибидаги волостлар бошқарув органлари тизимига кирган бошқарув маҳкамаси қуйидагича бўлган: Шаҳар атрофидаги участка политехниясига капитан В.М.Мельников раҳбар бўлган;

Олтинкўл волости бошқарувчиси Сувюлдуз қишлоғидан Мулла Ҳакимбек Рўзибеков, Халқ судияси Андижон шаҳар иккинчи қисмидан Мулла Усмон Умарбоев, ариқ оқсоқоли Дўнкайма қишлоғидан Абдулла Умидов бўлган. Олтинкўлда Потеляховга қарашли пахта тозалаш заводи бўлган, унинг раҳбари Вульф Каменев бўлган;

Балиқчи волости бошқарувчиси Гўраввал қишлоғидан Бувахўжа Кенгашўжаев, Халқ судияси чинободлик Хонтўраев Саид Шарофиддин Тўра Бузрук, ариқ оқсоқоли чинободлик Матёкуб Қодирматов бўлган. Чинободда пахта тозалаш заводи бўлган;

Хакан волости бошқарувчиси Дархон қишлоғидан Абдуллахон Қозоқбоев, Халқ судияси Мирзахон Зокир Хонқориев (Сариқуй қишлоғидан), пахта тозалаш заводи бўлган. Завод Янги ариқ қишлоғида жойлашган, ишончли вакили Б.А. Воронов, тажриба майдони Сариқуй қишлоғида бўлган, унинг аграноми А.Я.Мухин бўлган;

Ёрбоши волости бошқарувчиси Куйганёр қишлоғидан Қамбархожи Беркинбоев, Халқ судияси Бўтақара қишлоғидан Аҳмад Хушвақтов, ариқ оқсоқоли Куйганёрлик Даминча Убайдулла Охунов бўлган;

Қўқонқишлоқ волости бошқарувчиси Қўқонқишлоқлик Аҳмадкул Қодиркулов, Халқ судияси Қўқонқишлоқлик Мулла Ёқубжон Тайлақбоев, ариқ оқсоқоли Қўқонқишлоқлик Умархон Мазиев бўлган. Волостда ака—ука Крафт ширкатида қарашли пахта тозалаш заводи бўлган;

Магир волости бошқарувчиси Чуама қишлоғидан Муҳаммадали Тошболтаев, Халқ судияси чувамалик Мулла Хотам Мирзасўпиев бўлган.

Избоскан волости бошқарувчиси Қодирхожи Дўстбоев (избосканлик), Халқ судияси Мулла Отахон Алибоев (Бўтақара қишлоғидан), ариқ оқсоқоли, Избоскан сув иншоотлари бўйича избосканлик Рустам Тошмуҳаммедов бўлган. Бундан ташқари Избоскан

участкаси ҳам бўлиб, унинг пристави (политсияси) капитан А.А.Иванов, шифокор Е.А.Трубина, фелдшер И.С.Белан, ўрмон хўжалиги бошлиғи А.А.Наркович бўлган;

Султонобод участкаси пристави С.И.Поляков бўлган, участка шифокори Нина Ивановна Богразде, акушер э.В.Кеббель, фелдшер М.М.Бороденко, рус-тузем мактаби ўқитувчиси В.Ф.Баранов бўлган;

Қорасув волости бошқарувчиси Қорасув қишлоғидан Тошмат Содирбоев, Халқ судияси Мулла Тўрахон Кичикхон Тўраев (Маъмуробод қишлоғидан), Андижонсой иншоати бўйича ариқ оқсоқоли султонободлик В.К.Караффа-Корбут бўлган, юқори Шахрихонсой ариқ оқсоқоли Йўлдошхожи Худоёров, юқори Андижонсой бўйича султонободлик Мулла Маткарим Алимхўжаев бўлган;

Ойим волост бошқарувчиси ойимлик Муллахосил Хўжамёров, Халқ судияси ойимлик Мулла Фахриддин Нуритдинов, Дардоқда Абдурахмон Ҳамрабоевнинг пахта тозалаш заводи бўлган;

Қўрғонтепа волости бошқарувчиси қўрғонтепалик Мусулмонкул Хушдархоев, Халқ судияси Мулла Болта Норалиев, Қўрғонтепа қишлоғида Миркомил Мирмўминбоевнинг пахта тозалаш заводи бўлган, унинг ишончли вакили Абдулқайом Хусаинович Бойбеков бўлган;

Жалолқудуқ волости бошқарувчиси сўфиқишлоқлик Сулаймон эгамбердиев, Халқ суди Мулла Орифхўжа Хонхўжаев бўлган;¹

Бу даврда Андижон уезди таркибида ҳозирда Наманган вилоятига қарашли Ҳақулбод, Норин туманлари, Жалолобод вилояти таркибидаги Майлисой, Қорақўл-Сарисуй, Кенқўл-Қорагир, Жалолобод участкаси ва волости, Чанкент, Кугарт волостлари, Ўш вилояти таркибидаги Ўзган волости ва участкаси, Ясси волостлари ҳам бўлган.²

1876 йилдан 1917 йил Октябрь тўнтаришига қадар бутун Андижон уезди аҳолиси, ҳудуди уезд бошлиғи томонидан чекланмаган ҳуқуқ

¹ Шамсутдинов Р.Т.Исҳоқов А.А. Андижон тарихидан лавҳалар. – Т.: “Sharq”, 2013. – Б. 153 –155.

² Ўша асар, - Б.155.

ваколатлар орқали бошқарилган. Уезд бошлиғи бевосита Фарғона област харбий губернаторига бўйсунган.

Чор Россияси мустамлакачилиги даврида Андижон уезди бўйича бошқарув тизими қуйидагича бўлган: Уезд бошлиғи уезднинг бош маъмури ҳисобланган. Унинг катта ва кичик ёрдамчиси бўлган. Уезд бошлиғига Андижон шаҳар бошлиғи, бош оқсоқоли, волостлар бошқарувчилари, обер-офитсер (кичик зобит), участка (даха) пристави қараган.

Андижон уезди 5 та маъмурий қисмга бўлинган, ўз навбатида улар 21 волостга бўлинган. Уезд бошлиғи мустамлака бошқарувининг асосий бўғини ҳисобланган. У ўз қўл остида маъмурий, политезиячи, солиқлар бўйича суд ҳокимиятини мужассамлаштирган. Уезд бошлиғида политезиячи ҳукумат сифатида солиқ тўламаганлар устидан ҳукм чиқариш ваколати бўлган. 1886 йил 12 июнда тасдиқланган “Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисида”ги Нозомда уезднинг шаҳарларида хўжаликка ва ободонлаштиришга бошчилик қилиш вазифаси юклатилган.³

Андижон уезди бошлиғи 1877 йил 25 апрелда Фарғона области харбий губернаторига йўллаган билдиргисидеда Андижон шаҳрини бўлиш хон ҳукумати давридагидек - Сайдон-Туман, Уйлуқ, Олайлиқ, Қирлиқ каби тўрт дахага бўлингани, уларнинг таркибида оқсоқоллар бошчилигида 43 та маҳалла мавжудлиги кўрсатилган. Сайдон–Туман даҳасида 11 та маҳалла, 248 хўжалик, Уйлуқ даҳасида 11 маҳалла 2636 хўжалик, Олайлиқ даҳасида 11 маҳалла 2815 хўжалик ва Қирлиқ даҳасида 10 та маҳалла 2635 хўжалик бўлган. Ҳар бир маҳаллада 40 тадан 268 гача хонодонлар бўлган.¹

1896 йил 7 сентябрда Фарғона области бошқармаси Андижон эски шаҳрида катта оқсоқоллик лавозимини тугатишни сўраган. Қолаверса, шаҳар пристави (политезия бошлиғи) фақат шаҳарнинг руслар яшайдиган

³ Ўша асар, – Б. 156.

¹ Шамсутдинов Р.Т.Исҳоқов А.А. Андижон тарихидан лавҳалар. – Т.: “Sharq”, 2013. – Б. 157.

қисминигина бевосита назорат қилгани ҳолда шаҳарнинг мусулмон аҳолиси яшайдиган қисмини шунчаки номигагина назорат қилган. Бундан ташқари шаҳарнинг ҳар икки қисмига нисбатан турлича кантселярлик расмиятчилигини бажарган. Унинг вазифасига шунингдек рус суди ва маъмурий ҳукумат ҳамда муассасалар қабул қилган барча қарорлар ижросини назорат қилиш ҳам кирган. Шу боис маҳаллий аҳолини бевосита назорат қилиш катта ва 2 та кичик оқсоқол томонидан амалга оширилган. Бундан ташқари уларнинг вазифасига аҳоли мулкини кўриқлаш, эски шаҳар “осойишталиги”ни ва тинчлигини сақлаб туриш ҳам кирган.

Мустамлакачи ҳукмдорлар ўз ҳукмдорликларини юқори маҳаллий эксплуататорлар ёрдамида мустаҳкамлашга ҳаракат қилганлар. Шу боис шаҳар катта оқсоқоллигига бевосита политсияга бўйсунувчи қўрбошилар қўйилган. Қўрбоши эски шаҳар бўйича политсиянинг ёрдамчиси бўлган.

1908 йил 3 октябрда Андижон шаҳрининг Боботаваккул даҳаси бўйича сайланган 69 кишидан 47 таси Сой маҳалласидаги Итбозорда тўпланишиб Андижон шаҳар 3-даҳа приставининг таклифи билан Боботаваккул даҳасида қанча оқсоқоллик жорий этиш масаласини кўриб чиқишади. Қирлиқ даҳасини Қирлиқ, Чувалачи, Халимлиқ, Чинор, Орзикулбек оқсоқолликларидан, Боботаваккул даҳасини Сой, Аушкин, Боботаваккул, Қорабура, Чордана оқсоқолликларидан иборат қилиб тасдиқлашга қарор қилинади.

Андижон шаҳрининг катта оқсоқоли лавозимида Шамсиддин хожи Саид Маҳмудхон, Зуннунбой Қутлуқов, Салоҳиддин Мингбоши Ашуралиев, Шермуҳаммад Алимқулов, Рустам Тошматов, Камолиддин Мамарасулов, Абдуғаффорбек Орзикулбеков ва бошқалар бўлган. Шуни айтиш керакки бундай лавозимга қўйиладиган шахсларга нисбатан мустамлакачи маъмурларнинг талаби кучли ва катта бўлган. Уларнинг ҳар бири орқасидан хуфийвий назоратчи кишилар қўйилган. Оқсоқоллик лавозимига чор маъмурлари аксарият ҳолда ўзларига садоқатли, рус

империяси манфаатига хизмат қиладиган, ерли аҳоли орасида обрўга эга бўлган кишилардан қўйганлар. Бундайлар орасида салгина маҳаллий миллат манфаатига

1909 йил 22 январдаги ҳолатга кўра Андижонинг эски шаҳар қисми Худаёрлик, Олайлик, Уйлук, Боботаваккул ва Қирлик даҳаларидан иборат бўлган.¹

1917 йилгача империянинг барча шаҳарларида фаолиятда бўлган шаҳар Низоми жорий этилмаган. Волостлар ва қишлоқлар оқсоқоллигига ҳар уч йилда “сайловлар” ўтказилган. Сайловлар пора бериш йўли билан амалга оширилган. Бунинг устига мустамлакачи ҳукумат амалдорлари ёрдами билан йирик заминдорлар, бойлар, судхўрлар ер эгалари сайланган. Агарда сайланган шахслар ҳукумат талабларини қониқтирмаса улар ўзларига маъкул номзодларни оқсоқолликка ўз билганларича тайинлаганлар.

Волостлар бошқарувчиларини ва қишлоқлар оқсоқолларини сайлаш икки ва ундан кўп талабгарлик ўртасида ўзаро кураши остида бўлиб, улар “сайловчилар” катта миқдорга пора бериш ва уларга зиёфат бериш учун кўп ҳаражат қилардилар. Волост бошқарувчиси, ёки оқсоқоллик лавозимига эга бўлганлар сайловда сарфланган маблағини ҳар хил йўл, баҳоналар билан аҳолидан йиғиб олинган.

Суд муассасалари чор ҳукумати томонидан Андижон уездининг шаҳар ва қишлоқларида ташкил этилган, назорат қилиб борилган.

Ўтроқ маҳаллий аҳоли учун шариат асосида Қозилик суди, кўчманчи аҳоли учун эса бий суди жорий этилган. Улар халқ судлари “сайланган” органлар ҳисобланган. Улар 3 йил муддатга сайланган. Бу лавозимга аксарият маҳаллий бой ва манаплар сайланган. Бу судларнинг ҳуқуқи жуда чекланган бўлган. Маҳаллий аҳоли томонидан жамоат тинчлигига, бошқарувга, мулкчиликка, христиан динига қарши қаратилган шикоятлар, ҳатти-ҳаракатлар маҳаллий аҳоли билан рус аҳолиси орасидаги

¹ Шамсутдинов Р.Т.Исҳоқов А.А. Андижон тарихидан лавҳалар. – Т.: “Sharq”, 2013. – Б. 157 –158.

келишмовчилик, жанжал масаласида рус аҳолиси учун мавжуд бўлган судларда кўриб чиқилган. Судлар уезд бошлиғи назоратида бўлган. Айрим судиялар кўпинча пора бериш арқали “сайланган” тасодифий, номутасадди кишилар бўлиб чиққан.

Меҳнаткаш халқ ҳаёти фавқулодда кадрланмас эди. Пахта, жун маҳсулотлари, ҳамда ипдан тўқилган қора газмол ва бўёқли буюмлар баҳоси жуда ҳам паст бўлган. Ишчи кучи арзон бўлиши оқибатида ҳунармандчилик буюмлар ҳам арзон бўлган. Ўрта Осиёда ишчи кучи арзонлиги ҳақида Е.К. Меендорф тўхталиб юк ташувчи, ҳаммол 300 фунтлик оғирликдаги юкни чорак мил масофада ташиб бергани учун арзимас ҳақ тўланган. Одамлар бозорларга кираверишда тўпланиб, тикилишиб бирон бир иш чиқиб қолишини зорлик билан куртиб туришарди, улар энг ёмон оби-ҳаво шароитида ҳам овқат топишга умид қиларди. Ишчи кучи арзонлиги туфайли ҳунармандчилик ишлаб чиқаришини кенгайтириш мумкин эди. Лекин бу жараёнга “маориф” даражасини “пастлиги” ҳалақит берарди.

Андижон ҳунармандларининг аҳволи уездаги деҳқонлар аҳволидан фарқ қилмас даражада оғир эди. Уларнинг асосий даромади ҳунармандчилик маҳсулотларини сотишдан иборат бўлган, кунлик иш ҳақи оилани боқишга ва хомашё сотиб олишга зўрға етарди. Этикдўзлар кун бўйи меҳнат қилиб фақат 45 пул топган. Бу суммадан тахминан ярмига яқин нон сотиб олиш учун, гуруч сотиб олиш учун 10 пул сарфланарди. Ҳунармандлар деярли гўшт маҳсулотлари олишга қурби етмасди, улар қўлида устбоши ва хонадон учун кунига 25 тийин қоларди¹.

Шундай қилиб, мустамлакачилик даврида меҳнаткашлар оммасининг асосий қисмининг қашшоқлашуви ва хонавайрон бўлиш тенденцияси ортиб борган. Капиталистик муносабатларнинг ривожлангани деҳқонлар, чорвадорлар ва саноатчиларда синфий табақаланишига олиб кела бошлади. Ерсиз ва бошқа яшаш воситаларидан ажралиб қолган, омманинг

¹ Шамсутдинов Р.Т.Исҳоқов А.А. Андижон тарихидан лавҳалар. – Т.: “Sharq”, 2013. – Б. 158.

имтиёзли вакилларигина ўз қишлоқларида иш топа олганлар, улар аксарияти ер эгаларида чорикор, қоранда, мардикор бўлиб кун кўрган.

Андижоннинг эски шаҳар қисми қишлоқ жамоаларига бўлинган, уларни маҳаллий миллат вакилларида иборат қишлоқ оқсоқоллари бошқарган. Маҳаллий шаҳарларга нисбатан Низомнинг 73 ва 80 - моддаларига кўра волостларга нисбатан тартиб жорий этилган. Шунинг учун Фарғона области ҳарбий губернатори 1908 йил 23 июлда уезд бошлиғига икки кун муддатда қайси низом ва қонунга ёки фармойишга асосланиб Андижон шаҳрининг маҳаллий аҳоли яшайдиган қисми қишлоқ жамоаларига бўлинганини хабар қилиш вазифаси топширилади. Андижон уезд бошлиғи 1908 йил 29 июлда Андижон шаҳрининг маҳаллий аҳоли яшайдиган қисмини қишлоқларга бўлиниши, шаҳар оқсоқоллигининг жорий этилиши Қўқон хонлиги давридаёқ мавжуд бўлганини ёзган.

Фарғона ҳарбий губернатори, генерал–маёр Сусаниннинг 1909 йил 24 январидagi буйруғига асосан 2 қисмдан иборат Андижон эски шаҳари 4 қисмга ажратилди. Худоёрлик қисми 2 га бўлиниб, бири Олайлик, иккинчиси Уйлик қисмдан иборат бўлди. Боботаваккул қисми Боботаваккул ва Қирлик қисмига бўлинди. Бу тўртда даҳанинг ҳар бири шаҳар оқсоқоллари томонидан бошқарилган. Бу даҳалар фаолият кўрсатиши учун тегишли маблағ билан таъминланган. Масалан, Уйлик шаҳар оқсоқоли йилига 480 сўм, даҳа мирзаси 240 сўмдан маош белгиланган.

Рус қўшинлари Андижонни забт этган даврдан рус маъмурияти, ҳарбийлари ва аҳолиси яшайдиган янги шаҳар қад кўтара бошлайди. Андижоннинг эски шаҳарининг Жанубий-Шарқий чеккасида шаҳар мудрофаа деворининг орқа томонидаги қисмида 1877 йили радиал-контсентритик яъни битта умумий марказга бирлашадиган шуъласимон схемалаштирилган эски шаҳарнинг марказидаги Гултепани

мустаҳкамлайдиган кенг ва тўғри 5 та кўча чиқарилган, ўша вақтда бу жойда гарнизон жойлашган эди.

2. БОБ. Андижон шахрига рус ва чет эл сармоясининг кириб келиши

Фарғона водийсининг аҳолиси шарқий мамлакатлар билан савдо алоқасини давом эттириш билан бирга, XVII асрдан бошлаб Россия билан савдо алоқалари ўрната бошлади. Пахта, ипак, мева ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, шунингдек, хунармандчилик буюмлари Россияга ташилди. Россиядан эса Фарғона водийсига саноат моллари юборилди.

1875 йилда Фарғона водийсига чор қўшинлари кириб келди, кейинги йили эса Қўқон хонлиги тугатилди, 1875 йилнинг сентябрида Марғилон, 1876 йилнинг феврилида Қўқон хонлиги расмий равишда Россия империяси таркибига қўшиб олинди. Унга Қўқон, Марғилон, Андижон, Наманган ва бошқа уездлар кирди.

Бутун Ўрта Осиё сингари Фарғона водийси Россия билан иқтисодий алоқаларга тортилди.

Россиянинг Ўрта Осиёдаги иқтисодий сиёсатининг асосий йўналиши ушбу минтақани империянинг ҳом ашё манбаига ва рус саноати маҳсулотларининг бозорига айлантиришдан иборат бўлди. Ушбу мақсадда рус генерал-губернаторлари Ўрта Осиёга рус савдо-саноат ва молиявий сармояларнинг кириб келиши учун қулай шароитлар яратишга алоҳида эътибор қаратишди.

Фарғона вилояти Ўрта Осиёнинг асосий пахтачилик ҳудудига, пахта маҳсулотлари етиштирадиган ҳудудига айланди.

XIX асрнинг 70-80 йилларида Ўрта Осиёда, шу жумладан Фарғона водийсида, Н.Н.Коншин, Т.С.Морозов, Н.П.Кудрин, А.Г.Кузнецов ва бошқа рус савдогарлари ва тадбиркорлари савдо операцияларини амалга

оширардилар. Рус молиялари билан биргаликда чет эл сармоялари ҳам минтақага аста-секин кириб келди.

Пахтани харид қилиш ва дастлабки ишлов бериш бўйича фаолиятни Ярославль Катта Манфактураси ширкати олиб борди. Ширкат Ўрта Осиёда, шу жумладан Андижон уездида, пахта далаларига эга эди. Бундан ташқари, 16 та пахта тозалаш заводига эгалик қиларди. Ширкатнинг заводлари ва идоралари Қўқон, Андижон, Янги Марғилон, Наманган ва бошқа шаҳарларда мавжуд бўлганди. 1915 йилда ширкат “Беш-Бош” бирлашмасига кирди.

1880 йилдан бошлаб “И.К.Познанский” (Лодзь шаҳри) ҳиссадорлик жамияти Ўрта Осиёдан кўплаб пахта харид қилди. 1890-1897 йилларда ҳар йилги ўртача хариди 1120000 пудни ташкил қилган бўлса, шулардан 620 минг пуди Фарғона вилоятига тўғри келарди.

“Ака-ука Шлосберглар” савдо уйи ҳам 1888 йилдан бошлаб кўплаб миқдорда пахта харид қилди ва Андижон, Қўқон, Наманган, Асакада ўз идораларига эга эди. Пахтани тозалаш ва пресслаш ишларини 12 та ижарага олган заводларда амалга оширди.

1841 йилдан Москвада истиқомат қилган немис барони Л.Г.Кноп асос солган “Л.Кноп” савдо уйи XIX асрнинг 90-йиллардан бошлаб Ўрта Осиёда пахта билан боғлиқ операцияларини амалга оширди. Савдо уйи Наманган ва Андижонда ўз бўлимларини очди, Қўқон уездида 355000 пуд ишлаб чиқарадиган иккита пахта тозалаш заводини харид қилди.

1912 йилда “Л.Кноп” савдо уйи Потеляхов савдо-саноат ширкатига таъсисчилик қилди. Ширкат Қўқонда, Андижонда, Фарғонада, Наманганда, Эски Марғилонда 7 пахта тозалаш, ёғ ва совун заводларига эгалик қилди.

Ўрта Осиёда пахта савдоси билан “Владимир Алексеев” номли саноат ва савдо ширкати шуғулланарди. Ширкат 1895 йилдан пахта тозалаш заводларини қуришни, ер участкаларини сотиб олишни, маҳсулот омборларини харид қилишни бошлади. 1905 йилга келиб

ширкат қўлида Андижон, Янги Марғилон (Фарғона) ва Чустда пахта тозалаш заводлари, Андижон ва Қўқонда идоралари бор эди. 1905-1910 йилларнинг ўзида ширкат Фарғона вилоятида 250-350 минг пуд пахта сотиб олди.

Ўлкада пахта савдоси ва пахта тозалаш саноатида банклар муҳим ўрин эгаллади. Улар орасида Петербург банклари, айниқса – Рус-Осиё банки етакчилик қилди. 1910 йилда банк пахта ҳам ашёси эвазига судалар берди. Қўқонда – 1,5 млн. рубллик, Андижонда – 1,5 млн, рубллик, Наманганда – 1 млн. рубллик ва бошқа.

Ўрта Осиёдаги ёғ ишлаб чиқариш саноати асосан Фарғона вилоятида ривож топди.

Пахта ёғ саноатига кириб келишга америка сармояси ҳам уриниб кўрди. 1900 йилда чор ҳукумати Уильям М.Фицхьюга Андижонда ёғ заводини қуриш учун ер участкасини харид қилишга рухсат берди. Заводда ҳар йили 1,5 млн. пуд пахта уруғлигини қайта ишлаш, 1 млн. рубллик сармояни ўзлаштириш ва 100 ишчи жойларини ташкил этиш кўзда тутилганди. Лекин кейинчалик Фицхьюнинг ўзи завод қурилишини рентабелсиз деб топди.

1901 йилда Немис ҳиссадорлик жамияти (Кёльн ш.) ёғ саноатига кириб келмоқчи бўлди. Аммо, Туркистон генерал-губернатори бунга рухсат бермади. 1900, 1902 ва 1907 йилларда К.М.Соловьевнинг Чуст, Наманган ва Андижонда 7 пресс билан жиҳозланган ёғ заводлари қурилди. 1902 йилда Наманганда “Зигель ва Рейногаген” савдо уйининг 2 пресси ёғ заводи очилди. 1904 йилда ушбу фирма Федченко станциясида 4 пресси ёғ заводи қурди, Наманган заводида эса яна 1 пресси қўшди.

1910 йилга келиб Фарғона вилоятининг ўзида 13 та ёғ заводи мавжуд эди. Уларда 39 дона гидравлик пресси ўрнатилганди. Умумий ишлаб чиқариш ҳажми 1350000 пуд тозаланган ёғни, 3 млн.пуд

кунжарани, 4,5 млн. пуд пўстни ва 135 минг пуд линт пахтасини ташкил қилди.¹

Ишлов бериш саноатининг бошқа тармоқларида рус ва чет эл сармояси устунлик қилди. Асосан бундай ҳолат чорвачилик ҳам ашёсини ишлаш билан боғлиқ эди. Ушбу тармоқлар бутун Туркистон саноатининг ишлаб чиқаришида тўртинчи ўринда турарди ва 3768672 рубллик маҳсулот ишлаб чиқарарди.

Ичак тозалаш, чарм ва жун тозалаш тармоқларида немис сармояси муҳим ўрин эгаллаганди (1914 йилгача). Туркистонда, шу жумладан Фарғона вилоятида, Г.В.Дюршмидт, Р.Ф.Шуберт, Ц.А.Гентшель, Л.Зальм фаол тадбиркорлик ишларини олиб бордилар.

Жумладан, Луи Зальм бошчилигидаги ҳиссадорлик жамияти ичак тозаловчи ва чарм заводлари ҳамда маҳсулот омборларига Марғилон, Андижон, Тошкент ва бошқа шаҳарларда эга эди. 1914-1915 йилларда “Луи Зальм” жамиятининг асосий кредиторлари Рус-Осиё банки, Филадельфиянинг “Таберс филд ва К” ҳамда немис фирмалари эди.

Саноатнинг ривожланиши ва темир йўлларнинг қурилиши ёнилғи базасини кенгайтириш заруратини келтириб чиқарди. Аммо, XX асрнинг бошигача нефть ва кўмир тармоқлари кам ривжланганди. Чор ҳукуматининг минтақадаги иқтисодий сиёсати чет эл сармояларини ўлкага кириб келишини чекларди. Чет элликларга бу ерларда кўчмас мулкка эгалик қилиш ва тоғ ишлари билан шуғулланиш ман этилганди.

Вазият 1906 йилдан бошлаб ўзгарди. Фарғона вилоятининг нефть саноатида рус ва чет эл сармоялари асосий ўрин эгаллади. XIX асрнинг 80-йилларидаёқ Фарғона вилоятида Д.Петровнинг бир неча конлари пайдо бўлдики, уларда 1884 йилда 6 минг пуд нефть ишлаб чиқарилди. 1913-1916 йилларда Фарғонада ишлаб турган 6 та нефть конларидан

¹ Ўзбекистоннинг янги тарихи. Биринчи китоб. Туркистон Чор Россияси мустамлакачилиги даврида. Тузувчилар: Содиқов Х., Шамсутдинов Р., Равшанов П. ва бошқ. Таҳрир хайъати: Азизхўжаев А. – Т.: Шарқ, 2000, – Б. 223.

иккитаси рус сармоясига (“Чимион” жамияти – “Ака-ука Нобеллар” жамиятига ва “Санто” жамияти – Рус-Осиё банкига) ва битта жамият – “Майли-Сой” – инглиз сармоясига тегишли эди. Биринчи иккитасига Фарғонада топиладиган нефтнинг асосий қисми тўғри келарди (1913 йилда 98фоиз, 1914 йилда – 93фоиз, 1915 йилда – 96фоиз, 1916 йилда – 97фоиз).

Ўрта Осиё тоғ кон саноатининг бир қатор тармоқлари рус ва чет эл сармояси назорати остида эди.

XIX асрнинг 80-йилларида Фарғона вилоятида Д.П.Петров томонидан озокерит ишлаб чиқариш ташкил этилганди. Унга Наманган уездида 5 та кон тегишли эди ва бу ерларда 1889 йилда 500 пуд озокерит чиқарилди.

1915 йилда Азов-Дон банки назорати остида бўлган “Люборад” жамияти Фарғонадаги озокерит участкасининг эгаси Лерх ва “Фарғона” жамияти билан 1925 йилгача улар томонидан ишлаб чиқариладиган бутун озокеритни харид қилиш тўғрисида шартнома имзолади. “Фарғона” жамияти “Люборад”-га энг ками 10000 пуд озокерит етказиб туриш мажбуриятини олди.

1917 йилнинг апрелида “Люборад” жамияти “Фарғона” тоғ саноати жамиятининг барча ишини бор мулки билан бирга сотиб олди.

Рус сармоядори П.С.Назаров Бельгияда аноним “Туркистон саноати жамиятини (Назаров ва К^о)” ташкил этди. П.С.Назаровдан ташқари, ушбу жамиятнинг ҳиссадорлари 27 бельгиялик молиявий ва саноат жамиятлари, банкирлар, биржа маклерлари ва бошқалар бор эди.

1902 йилда Назаровга Наманган уезди Бободархон волостининг 2 участкаси мис ишлаб чиқариш учун берилди. Ўша йилнинг сентябрида ушбу конлар негизида жамиятнинг мис ишлаб чиқарадиган заводи ишлай бошлади. Ушбу завод учун машиналар Бельгия ва Германияда, локомобиллар ва вентилятор Англияда, трансмиссиялар, вагонеткалар,

сув узатиш механизмлари Россияда ишлаб чиқарилганди. Дастлаб завод кунига 700 пуд мис рудасини қайта ишларди.

1908 йилда инженер С.Е.Палашковский ташаббуси билан “Ноёб металллар ишлаб чиқаришнинг Фарғона жамияти” ташкил этилди. Жамият 1909 йилдан ўз операцияларини бошлади ва 20000 пуд мис рудасини ишлаб чиқарди. Руда жойларда қайта ишланмади, балки Петербургдаги махсус тажриба фабрикасига юборилди. Қайта ишлаш натижасида олинган феррованадий чет элга юборилди. 1910 йилда 16000 пуд мис рудаси чиқарилди, 1912 йилда эса – 8000 пуд, 1913 йилдан жамият мис рудасини ишлаб чиқаришни тўхтатди. Ишлаб чиқаришни давом эттириш учун жамиятга маблағ етмади.

3. БОБ. Андижон шаҳрида ички ва ташқи савдо

алоқаларининг ривожланиши (XIX аср охири – XX аср бошларида)

Ўрта Осиёнинг Россия томонидан босиб олинмиши ва унинг таркибида 1876 йил Фарғона вилоятининг ташкил топиши, вилоят шаҳарларида, жумладан, Андижон шаҳрида Россия билан савдо муносабатларига кенг йул очиб берди.

Россияда 1861 йил реформасидан кейин капиталистик ишлаб-чиқариш муносабатлари тез сураатлар билан ривожлана бошлади. Оқибатда реформадан илгари чет эл капитали кенг кўламда кириб келган мамлакат ҳисобланган Россия эндиликда капитал чиқарувчи давлатга айланди. Россия капитали Ўрта Осиёга, жумладан, Фарғона вилояти шаҳарларига ҳам кириб кела бошлади. Бу эса шаҳарларнинг иқтисодига таъсир кўрсатди ва қатор ўзгаришларга сабаб бўлди. Пахтачилик тараккий этди, темир йуллар қурилди ва у Андижонгача етказилди. Мустамлака характерида бўлса ҳам, янги типдаги завод-фабрикалар вужудга келди. Бўларнинг ҳаммаси шаҳар ҳаётига ўз таъсирини ўтказди ҳамда ички ва ташқи савдонинг ривожланишига олиб келди.

1875-1876-йилларда Андижонга турли жойлардан ва жумладан, Россиядан келтирилган молларнинг умумий миқдори 466 минг сўмни ташкил этган бўлса, шу даврда Андижондан 520 минг сўмлик моллар олиб кетилган¹.

Андижонга келтирилган моллар асосан қуйидагилардан иборат эди: мануфактура моллари, мовўт, шойи буюмлар, салла, кийгиздан тўқилган гиламлар, тери, темир ва мис буюмлар, чой, қанд, буёқлар, никель. Андижондан олиб кетилган молларни эса пахта, хом ипак, мато, халатлар, от ёпқичлар, пойафзал, хомўтлар, эгар-жабдуқлар, буғдой,

¹ Шарафиддинов А. Фарғона вилояти тарихидан лавҳалар. (XIX аср охири – XX аср бошлари) I – китоб. – Т.: “Наврўз”, 2013. – Б. 54.

гурунч. жухори ва бошқаларни ташкил этган. Андижонга Ўш, Марғилон ва вилоятнинг бошқа шаҳарлардан кўплаб товарлар олиб келинган. Андижон уезди бошлиғи 1878 йил 14 февралда Фарғона вилоят бошқармасига ёзган рапортида:

“Андижон шаҳрига чет элдан мануфактура товарлари бутунлай келтирилмаган, бозорда эса факат маҳаллий товарлар, камда Россиядан келтирилган мануфактура моллари сотилади” деб ёзган эди.

Архив маълумотларига кўра, 1877 йил Андижонга чит, сурп ва полотно 20756 сўмлик, самовар 3792 сўмлик, темир 5112 сўмлик, чой 2500. буюқлар 1246 сўмлик ёки ҳаммаси бўлиб 33406 сўмлик товар келтирилган¹.

Андижон шаҳри Фарғона вилоятини Россия билан бўлган савдо алоқаларида катта роль уйнаган. Чунончи, 1883 йилда Фарғона вилоятининг савдо обороти олиб келинган моллар ҳисобига 6345039 сўмни ташкил этган бўлса, шундан Андижон ва унинг уезди ҳисобига олиб келинган товарлар 363561 сўмни ва олиб кетилган товарлар 47239 сўмни ташкил этган.

1884 йил эса олиб кетилган товарлар 15727 сўмни, келтирилган товарлар эса 193440 сўмни ташкил этган. Бундан ташқари Андижон уездида ҳайвон билан савдо қилиш кучли бўлган. Масалан, шу йили 39600 бош ҳайвон сотилган.

Шуни айтиш керакки, Андижонга келтириладиган товарлар йилдан-йилга системали равишда ортиб борган. Буни биз 1877- 1895 йиллардаги материаллардан кўришимиз мумкин. Масалан, 1877 йилда Андижонга 44000 сўмлик, 1878 йилда 63000, 1879 йилда 86000, 1880 йилда 118000, 1884 йилда 163000 сўм, 1895 йилда 271000 сўмлик товар келтирилган.

¹ Шарафиддинов А. Фарғона вилояти тарихидан лавҳалар. (XIX аср охири – XX аср бошлари) I – китоб. – Т.: “Наврўз”, 2013. – Б. 55.

Демак, 1877 йилдан 1895 йилгача бўлган 18 йил давомида Андижонга келтирилган товарлар суммаси 6,5 баробарга ортган. Шунинг ҳам алоҳида таъкидлаш керакки, Фарғона вилояти бутун Туркистон ўлкасида етиштириладиган пилланинг 80-90 фоизини берар эди. Бу эса ўз навбатида Андижон шаҳри ва уездида ҳам пиллачиликнинг ривожланишига олиб келди. Чунончи, шаҳардаги 7648 ховлидан 1231 таси ёки 26,7 фоизи, пиллачилик билан шуғулланар эди¹.

Бутун ўлкада бўлгани сингари Андижонда ҳам пиллачилик билан асосан аёллар шуғулланарди. Масалан, 1904 йилда Андижонда пиллачилик билан шуғулланувчи аёллар сони 2000 кишини ташкил этган.

Зеро, шундай экан, Андижон уезди хўжалигида пиллачилик ҳам пахтачилик билан бир қаторда муҳим роль уйнаган ва шойи, пилла, ҳамда ипак билан савдо қилиш ҳам Андижоннинг иқтисодий ҳаётида алоҳида аҳамиятга эга бўлган. Шойидан тайёрланган товарлар фақат Бухородагина чиқарилиб қолмасдан, балки Фарғона вилоятининг бошқа уездларига ҳам чиқарилган. Чунончи; 1885 йил 1200 пуд шойи, 4800 пуд хом ипак ва 1000 пуд пилла Андижондан олиб кетилган.

Секин-аста бутун ўлкада бўлгани сингари Фарғона вилояти ва унинг шаҳарларида савдо интенсив равишда ривожланиб борди. Масалан 1893 йил Фарғона вилояти губернаторининг хисоботида “...вилоят аҳолисининг савдо фаолияти йилдан-йилга жонланиб бормокда. Хусусан, бу жонланиш ташқи савдога, унинг асосий предмети бўлган пахта хисобига бўлиб, у Россиянинг Европа қисмларига экспорт қилинади” деб ёзилганди².

Темир йул қурилгунгача бўлган даврда Андижондан пахта, пилла ва бошқа турли товарлар Қўқонга олиб келинар ва у ердан Туркистон ўлкасининг бошқа шаҳарлари ва Россияга олиниб кетиларди. Масалан, Андижон уезди бошлиғи 1893 йил 19 майда Фарғона вилоят харбий

¹ Шарафиддинов А. Фарғона вилояти тарихидан лавҳалар. (XIX аср охири – XX аср бошлари) I – китоб. – Т.: “Наврўз”, 2013. – Б. 56.

² Ўша асар, ўша жойда.

губернаторига берган рапортида “Андижондан хар йили Қўқонга 600 минг пуд турли хилдаги дон, 500 минг пуд тозаланган пахта, 15 минг пуд тери, 10 минг пуд кўритилган мевалар, 6 минг пуд тамаки, 5 минг пуд юнг, 1 минг пуд шойи ва 15 минг пуд таран ҳаммаси бўлиб 115100 пуд турли хил махсулотлар олиб борилган” деб ёзади¹.

Бундан ташқари, Андижон шаҳри ва уездида маҳаллий савдо ҳам ривожланиб борди. Андижон шаҳри стационар (мунтазам) савдо буйича асосий марказ ҳисобланган. Бу ерда кўп сонли дўконлардан ташқари, кўплаб карвонсаройлар ҳам бўлиб, уларнинг баъзилари савдогарлар учун бошпана вазифасини бажарган бўлса, баъзилари товарлар сақланадиган омборларга айланган эди. Одатда карвонсаройлар бой савдогарлар томонидан қурилиб, уларнинг номи билан аталган.

1877 йилда Андижонда сабзавотлар билан савдо қилувчи 10 та дўкон, тушт билан 20 та, нон билан 20 та, озиқ-овқатлар билан 63 та, халатлар билан 21 та, эгар-жабдуқлар билан 25 та, маҳаллий усталар тайёрлаган идиш-товоқлар билан 44 та, пойафзал билан 10 та, мануфактура товарлари билан 38 та, газламалар билан 6 та, хар хил майда товарлар билан 45 та, буёқлар билан 10 та, гуруч билан 15 та, асал билан 5 та, совун билан 12, зигир ёғи билан 6 та, арқонлар билан 11 та, маҳаллий майда темир буюмлар билан 5 та, козонлар билан 20 та, шойи билан 20 та, пичок билан 8 та, китоб ва қоғоз билан 4 та, шолча ва гилам билан 10 та, кўритилган мевалар билан 20 та ва бошқа турли хил товарлар билан савдо қилувчи 49 та дўконлар бўлиб, уларнинг ҳаммаси 573 тани ташкил этар эди².

1897 йилга келиб эса шаҳарда ҳаммаси бўлиб 1646 та дўкон ва 22 карвонсарой бор эди.

Савдо муносабатларининг ўсиб бориши натижасида Андижон уездида 20 та бозор-савдо пунктлари ташкил топди. Бу пунктларда

¹ Шарафиддинов А. Фарғона вилояти тарихидан лавҳалар. (XIX аср охири – XX аср бошлари) I – китоб. – Т.: “Наврўз”, 2013. – Б. 57.

² Ўша асар, – Б. 58.

хафтанинг маълум кунлари бозор бўлиб, у ерга турли жойлардан ва атроф қишлоқлардан савдогарлар ва аҳоли келиб савдо қилишарди. (Бу даврда 1 ҳафтада 2 ва 3 мартадан бозор кунлари белгиланган).

Бозорлардаги дўконлар сони ҳар хил бўлиб, бозорнинг катта-кичиклигига қараб 50 тадан то 350 тагача бўлган. Бозор кунлари эса савдогарлар сони бир неча марта ортган. Ўздаги бозорлар ичида энг каттаси Ўзган бозори ҳисобланарди. Бу ерда 1910 йилда 340 та доимий дўкон ишлаб турарди. Кейинги ўринларда Қўқонқишлоқ, Тўда, Ойим, Избоскан, Жалолобод ва бошқа қишлоқларда ҳам савдо дўконлари 150 тадан 220 тагача бўлган. Бу ерда шуни таъкидлаш керакки, қишлоқ аҳолиси савдоси дала ишлари бошланган пайтда бир оз тўхтаган бўлса ҳам, бозор уларнинг катта даромад манбаи ҳисобланарди. 1910 йил уларнинг йиллик умумий даромади 2 миллион сўмдан ортиқни ташкил этган¹.

Товар-пул муносабатлари ва ички бозорнинг вужудга келиши жараёнида қишлоқ шаҳар бозори билан яқинлашиб, боғланиб, улар Ўртасидаги алоқалар кучайиб борди. Зеро, Андижон савдогарлари қишлоқ бозорларида шаҳар хунармандларининг турли-туман маҳсулотларини, яъни рўзғор буюмлари, қишлоқ хўжалик асбоблари ҳамда фабрика маҳсулотларини сотиб, ўз навбатида шаҳар аҳолиси учун зарур бўлган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ва шаҳар хунармандлари, саноат корхоналари учун керакли хом-ашёни қизиғи қилиб кайтганлар. Ёки аксинча қишлоқ савдогарлари ўз маҳсулотларини шаҳарга олиб келиб сотишлари ҳам мумкин эди.

Лекин шуни таъкидлаш лозимки, кўп ҳолларда майда маҳсулот ишлаб чиқарувчилар, бозорнинг ўзида олиб сотарларнинг қўлига тўшиб қоларди. Бу ҳақда «Закаспийское обозрение» газетаси шундай маълумот беради: “Қизиғи шундаки, бу ўзига хос ярмаркаларга (шаҳар бозорига –

¹ Шарафиддинов А. Фарғона вилояти тарихидан лавҳалар. (XIX аср охири – XX аср бошлари) I – китоб. – Т.: “Наврўз”, 2013. – Б. 58.

Андижон шахрига) майда ишлаб чиқарувчилар ўз махсулотлари билан аробаларда (ким пиёз, ким ўтин ва бошқа турли махсулотлар билан) келадилар. Андижоннинг эски бозорида ҳафтанинг ҳар пайшанба куни бевосита ишлаб чиқарувчи билан ҳдريدорлар учрашадилар. Лекин бозорга келган махсулотларнинг жуда кўп қисми олиб сотарлар қўлига тушади ва улар янги ва эски бозорда дўконларига эга бўлгани ҳолда бу махсулотларни 2-3 марта ортиқ баҳо билан сотадилар¹”.

Капитализмнинг ривожланиб бориши жараёнида бу қонуний ҳол ҳисобланади. Чунончи, 1901 йилда олиб сотарлар 100 дона тухумни 1 сўм, 1,20 тийиндан олиб, 1 сўм 80 тийин ёки 2 сўмдан сотганлар. Шунинг учун ҳам “Закаспийское обозрение” газетаси “ҳаддан ташқари қимматчилик, Андижонда шубҳасиз факт ҳисобланади” деб ёзганди.

Чунки бир фунт писта 25-30 тийин, бир фунт ок нон 5 тийин, қора нон 4 тийин, бир сажен оддий ўтин 9-10 сўм, бир сажен ўрик ўтин эса 12-13 сўм турган .

Ваҳоланки, Андижон пахта тозалаш заводларида бир кунда бир ишчига 25 тийиндан 35 тийингача ҳақ тўланган, ҳолос.

1911 йилга келиб, Андижон шаҳрида'ги савдо муассасалари 3000 тани ташкил этган. Майда савдогарлар эса бундан ҳам кўп бўлган².

Юқорида келтирилган бозор ва дўконларда асосан мануфактура товарлари билан савдо қилинган. Пахта, пилла, кўритилган мевалар эса бозорда жуда чекланган миқдорда сотилган. Чунки, бу товарлар Андижонда ташкил этилган фирма ва заводларга сотиларди. Чунончи, Андижонда XIX асрнинг сўнгги йилларигача ана шундай махсулотларни сотиб олувчи фирмалар “Большая Ярославская мануфактура” ва “Владимир Алексеев савдо-саноат ширкати” ҳисобланган Ўрта Осиёнинг Россия томонидан босиб олиниши ва унинг таркибида 1876

¹ Шарафиддинов А. Фарғона вилояти тарихидан лавҳалар. (XIX аср охири – XX аср бошлари) I – китоб. – Т.: “Наврўз”, 2013. – Б. 59.

йил Фарғона вилоятининг ташкил топиши, вилоят шаҳарларида, жумладан, Андижон шаҳрида Россия билан савдо муносабатларига кенг йул очиб берди.

XIX асрнинг 80 йилларидан бошлаб, бутун ўлкада бўлгани сингари, Фарғона вилоятида, жумладан, Андижон уездида пахта майдонлари кенгайиб, унинг янги Америка нави экила бошланди. Бу эса уезд иқтисодини оширди. Вилоятда

XIX асрнинг 90 йилларига келиб, шаҳар ҳаётида вужудга келган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар натижасида шаҳарга кўплаб савдогарлар кела бошлади.

“Қишлоқларда,- деб ёзганди, “Туркестанские ведомости” газетаси 1895 йил 26 октябрда, - уезднинг иқтисодий тараккиёти таъсири уларнинг ташқи кўринишида ҳеч қандай акс этгани и у К, лекин шаҳарда эса унинг таъсири сезиларли. Кейинги икки йил давомида шаҳримиз анча кенгайди, янги уйлар ва дўконлар пайдо бўлди, иккита янги транспорт контораси очилди”.

Савдо муносабатларининг ўсиб бориши натижасида 1895 йил 1 январдан -бошлаб Андижон шаҳрида матлубот жамияти очилди. 1896 йилнинг март ойигача унга 57 аъзо ва 80 пайчилар кўшилди

Савдо дўконлари шахсий кишиларга қарашли бўлиб, мустамлака маъмурияти янги савдо муассасалари ташкил этишга, бозорни кенгайтиришга, уларни ободонлаштиришга мутлақо аҳамият бермади. Шаҳардаги мавжуд бозорлар эса асосан марказий Россия саноати учун зарур бўлган хом ашёни сотиб олиш учун ва Россиядан келтирилган турли рус товарларини сотишни таъминлайдиган воситачи ролини ўйнаганлар.

Шунинг учун ҳам Фарғона вилоят губернаторининг Туркистон генерал- губернаторнга берган хисоботида Андижонда савдо биноларига нисбатан камчилик сезилаётганлиги, лекин шаҳарда бозор бинолари

кўриш учун майдонларнинг мавжудлиги, агар шаҳар бу ҳақда ташвишланса, унинг даромади анча ортиши ҳақида гапирилади.

Бироқ шуни айтиш керакки, Фарғона вилоят шахдрларини темир йул билан боғланиши ва айниқса уни Андижонгача етказилиши, шаҳарни Россия билан бўлган савдо муносабатларида бурилиш ясади. Бу даврда Россиянинг муста млакаси хисобланган Фарғона вилояти ва унинг шахдрлари биринчи даражали хом ашё етказиб берувчигина бўлиб қолмасдан, балки у подшо ҳукуматининг капитал киритиш манбаига ҳам айланди.

Ўрта Осиё темир йули ба унинг Андижон шахобчасининг ишга тўширилиши оқибатида ўлкага, жумладан, Андижонга, турли товар ва юкларни келтиришга сарф қилинадиган маблағни анча қисқартирди. Шу билан бирга, турли саноат маҳсулотлари ва бошқа хар хил товарлар келтиришни кўпайтиришга ёрдам берди.

Туркистон ўлкасига, шунингдек, Андижонга XIX асрнинг 80 йилларидан бошлаб, биринчи мартаба йатта размерда тунука ва прокат темир, қурилиш материаллари ёғоч, цемент, гишт, ойна, кумир, керосин ва бошқа товарлар келтирила бошланди. Турли буюқлар, қоғоз, қанд, чой, буғдой, металл ва безак буюмлари келтириш кенгайди. Агар 1884 йилда Андижонга ҳаммаси бўлиб 400 пуд темир келтирилиб, унинг киймати 1600 сўмни ташкил қилган бўлса, 1910 йилга келиб, Андижонга келтирилган турли темир сортларининг ҳажми 246000 пудни ташкил этган¹.

XIX аср бошларига келиб Андижон шаҳри ва уезди ижтимоий-иқтисодий жихатдан тез ривожланиб борди. Бу эса Андижон станциясини товар келтириш ва олиб кетиш, ҳамда савдо обороти жихатдан катта аҳамиятга эгаллигини таъминлайди.

¹ Шарафиддинов А. Фарғона вилояти тарихидан лавҳалар. (XIX аср охири – XX аср бошлари) I – китоб. – Т.: “Наврўз”, 2013. – Б. 61.

Чунончи, 1909 йилда Андижонга 6786609 пуд хар хил товарлар келтирилган. Андижондан эса 4304562 пуд товар олиб кетилган.

Андижон уездида пахтачиликнинг ривожланиши окибатида Андижон станцияси турли томонларга пахта жунатишда ҳам бошқаларга нисбатан олдида бўлган. Масалан, уезд 1911 йилда 2505000 пуд пахта жунатган. Улар асосан Шимолий темир йул линиясига (698000 пуд), Москва- Козон линиясига (563000 пуд), Москва-Нижегород линиясига (292000 пуд), Лодз линиясига (131000) пуд пахта жунатилган.

Пахта экишнинг кенгайтирилиши бутун Туркистонда бўлгани сингари Андижон уездида ҳам галла экиладиган майдонларнинг қисқаришига олиб келди. Окибатда пахтачиликнинг йилдан-йилга ўсиб бориши Андижонга буғдой келтиришни кучайтирди. Чунончи, 1910 йилда Андижонга 3173 минг пуд буғдой келтирилган.

Ўз навбатида пахта майдонларининг ортиши ва бунинг окибатида пахта тозалаш ва ёғ-мой заводларининг қўплаб ишга тўширилиши натижасида Андижондан қўплаб пахта ёғи, кунжара ва чигит олиб кегила бошланди. Чигитни қўпроқ Кавказга ва чет элларга жунатилган. Чунончи 1914 йилда Андижон станциясидан жунатилган чигит микдори 4157 пудни ташкил этган.

Шуни алохида таъкидлаш лозимки, Хитой билан бўлган савдо алоқаларда Андижон асосий пункт ҳисобланган. Чунончи, 1913 йил Хитойдан Андижонга 4 миллион сўмлик турли хил моллар келтирилган бўлса, Андижондан Хитойга 4.4 миллион сўмлик турли моллар жунатилган.

Андижон уездида пахтачиликнинг тараккий этиши маҳаллий савдода пахта билан савдо қилишни кучайтириб юборди. Андижонда пахта сотиб олишнинг асосан уч тури қўлланилган.

Биринчидан, чигитдан тозаланган пахтани сотиб олиш. Бу йул билан ўзларининг ип йиғириш фабрикаларига эга бўлган йирик фирмалар

ёки ана шундай йирик фирмаларга хизмат килувчи шахслар шугулланганлар.

Иккинчидан, тозаланган (чигитдан ажратилган) пахтани заводларда кайта ишлаш учун сотиб олиш. Бу йул билан ўз пахта тозалаш заводларига эга бўлган фирмалар ва ўзларига моддий жихатдан дуруст хисобланган шахслар, кўп холларда эса пахта тозалаш заводида эга бўлган шахслар шугулланганлар. Лекин бундай шахслар ўзлари томонидан тозаланган пахтани мустақил равишда халқаро бозорга жунатмасдан, балки пахтани тозаланган холда биринчи группа пахта сотиб олувчиларга кайтадан сотганлар.

Нихоят, учинчидан, кенг микёсдаги, катта пахта сотиб олувчилар бўлиб, улар қисман ўз маблағларига ва кўп холларда давлатманд кишиларнинг ёки фирмаларнинг маблағларига пахта сотиб олганлар. Бу кўп сонли комиссионерлар биринчи ва иккинчи гуруҳ пахта сотиб олувчилардан кейин савдо қилиб, улар асосан жойларда майда ер эгаларидан фирмаларнинг буюртмаси асосида пахта сотиб олганлар.

Демак, айрим пахта тозалаш заводлари пахтани харид килувчи махсус савдо муассасаларига ҳам айланиб қолган эдилар. Шундай қилиб, завод эгалари айни бир вақтнинг ўзида пахтани харид қилиш билан ҳам шугулланганлар.

Савдо-сотик ва саноатнинг ривожланиши билан нисбатан каттарок магазинлар ҳам пайдо бўлиб, улар Андижонда 66 тани ташкил этарди. Бундай Европа типидagi магазинларда одатда иккита-учта, баъзи холларда ундан ортиқ ёлланма сотувчилар ишларди. Йирик савдогарлар, коммерсантлар ўзларининг капиталларига таянган холда шаҳарни бошқариш ишига, унинг ижтимоий ҳаётига ўз таъсирларини ҳам кучайтира бошладилар. Улар ўзларининг номзодларини шаҳар бошқармаси депўтатлигига ҳам кўрсата бошладилар.

Чунончи, 1905-1908 йиллар учун Андижон шаҳар бошқармасига савдо депўтатлари этиб Пошшахужа Умархужаев, Махмудбек, Лўтфилла Максудов ва Д.К. Москаленколар "сайландилар"¹.

Шундай қилиб, Андижон Туркистон ўлкасининг бошқа шаҳарлари сингари тоборо ривожланиб, ўсиб бораётган Россия капитализмининг савдо муомаласига жалб этилди. Шу билан биргаликда маҳаллий савдо ривожланиб борди. Бу ҳолат эса айниқса пахта етказиш ва уни қайта ишлашда кўпроқ намоён бўлди.

¹ Шарафиддинов А. Фарғона вилояти тарихидан лавҳалар. (XIX аср охири – XX аср бошлари) I – китоб. – Т.: “Наврўз”, 2013. – Б. 61–64.

4. БОБ. XIX аср охири – XX аср бошларида Фарғона водийсида пахта ва ипакчилик саноати савдо муносабатларидаги аҳамияти

Бу даврда саноатнинг энг йирик соҳаси пахта тозалаш саноати бўлиб, ўлкадаги пахта тозалаш заводларининг кўпчилиги айнан Фарғона вилоятида жойлашган эди. Ўлкада, америка пахта навлари тарқалмасдан ва пахта тозалаш заводлари қурилмасдан илгари, маҳаллий пахта ҳом ашёси толасини чигитидан ажратиш қўлда ҳаракатга келтириладиган ёғоч ускуналар, яъни чарх(чағрик)лар ёрдамида амалга оширилган.

Туркистон ўлкасида америкадан келтирилган пахта навлари маҳаллий шароитларга мослаштирилиб, пахта ҳосилдорлиги ортди. Натижада ўлкада бирин-кетин пахта тозалаш заводлари барпо қилинди. Фарғона вилоятида пахта тозалаш заводларини қурилиши ва фаолияти тарихи бир қатор илмий адабиётларда атрофлича ёритилган. Пахта тозалаш заводларининг эгалари асосан рус ва чет эллик савдогарлар ва йирик ер эгалари бўлган.

1881 йилда Қўқон шаҳрида биринчи пахта тозалаш заводи қурилди. Вилоят бошқармасига Қўқон уезди бошлиғи номидан тақдим этилган 1881-1882 йиллар учун ҳисоботда уезд бўйича мавжуд фабрика ва заводларни сони ва турлари кўрсатилган. 1881 йилда Қўқон уездида 2 та пахта тозалаш ва тойлаш заводи бўлиб, пахта толасини тойлаш қўл кучида амалга оширилиб, 11 нафар ишчи ишлагани ҳолда заводларни ишлаб чиқариш қуввати 1300 рублни ташкил этган. 1882 йилда эса айнан шу заводларда 12 та ишчи меҳнат қилиб, корхоналарни ишлаб чиқариш қуввати 1700 рублни ташкил этган. Айнан шу ҳисоботга кўра, уездда 1882 йилдан фаолият юрита бошлаган яна битта пахта тозалаш заводида эса пахта толаси гидравлик усулида тойланиб, бу заводда 32 нафар ишчи меҳнат қилиб, шу йили 37.583 пуд 17 фунт пахта толаси ишлаб чиқарилган.

Фарғона вилоят бошқармаси 1889 йилда савдо ва мануфактуралар департаментига вилоятдаги пахта тозалаш заводлари тўғрисида

ахборотларни маълумотнома тарзида тақдим этган. Ушбу ҳужжатларда ҳар бир заводнинг фаолиятига оид тўла маълумот берилган. Масалан, Қўқон шаҳрини Эшкўприк мавзесида жойлашган пахта тозалаш ва тойлаш заводини эгаси тошкентлик 1 - гильдия¹ савдогари С. И. Лахтин бўлиб, иш бошқарувчиси эса тошкентлик тадбиркор И.Н.Алиенов бўлган. Заводда 10 нафар ишчи мавсумий (сентябрдан апрелгача)ишлаб, иш вақти 10 соат давом этган. Ҳар бир ишчи кунига 25 тийиндан, ойига эса 8 сўмдан иш ҳақи олган. 1889 йилда 41.1157 пуд (6.876 сўмлик) пахта тозаланиб, шундан 9.821 пуд (11.375 сўмлик) тола той қилинган. Корхонада битта 20 от кучига эга сув кучида ишлайдиган двигател, 6 та пахта тозалаш машинаси яъни жин ва учта пахтани тойлаш учун қўл кучида ишлатиладиган винтли пресс бўлган. Пахта толаси той қилинган ҳолда Москвада сотилган.

Наманган уезди бошлиғини Фарғона вилояти ҳарбий губернатори номига 1893 йил 25-март куни 2436-сонли расмий хати орқали юборган билдиргиси, Фарғона вилояти бошқармасида 1893 йил 6 апрелда 2628 рақами билан қайд этилиб, Наманган уездидаги фабрика ва заводларни 1892 йилдаги фаолияти тўғрисида маълумотномалар тақдим этилган. Масалан, 2-гильдия савдогари И.И.Кеберлега тегишли буғ кучида ҳаракатланадиган пахта тозалаш заводи Наманган шаҳрини Скобелев кўчасида жойлашган бўлиб, унда 25 та ишчи ишлаб, 4 та жин ва 1 та винтли прессда 20450 пуд пахта толаси ишлаб чиқарилган. Қўқонлик Султонмуродбек Худоёрбековга тегишли сув кучида ишлайдиган пахта тозалаш заводи Наманган уездини Тўрақўрғон қишлоғида жойлашган бўлиб, корхонада 18 нафар ишчи ишлаб, 3 та 60 аррали жинда 15000 пуд пахта толаси ишлаб чиқилиб, 1 та винтли пресс бўлган¹.

Пахтани тозалаш дастгоҳлари тўғрисида шуни таъкидлаш мумкинки, қўлда ёки от кучида ҳаракатга келтириладиган кичик жинлар

¹ Чор Россиясида савдогарларнинг бойлигига қараб бериладиган даража

¹ Шарафиддинов А. Фарғона вилояти тарихидан лавҳалар. (XIX аср охири – XX аср бошлари) I – китоб. – Т.: “Наврўз”, 2013. – Б. 68.

12 тадан 25 тагача аррага эга бўлиб, унчалик унумдор бўлмаган. Сув ёки буғ двигателли жинлар эса 40 тадан 80 тагача аррага эга бўлган. Пахта тозалаш заводларида америкада ишлаб чиқарилган жинлардан фойдаланилган. 60 аррали дастгоҳда бир кунда 250-300 пуд, 80 аррали жинда эса кунига 400-450 пуд пахта тола ишлаб чиқарилган. Туркистонда Пратт, Карвер, Томсон, Орел ва Броун каби бешта америка заводларида ишлаб чиқарилган жинлардан кенг фойдаланилган. Дастлаб Пратт заводида ишлаб чиқарилган жинлар кенг тарқалган бўлса, кейинчалик эса Карвер ва Броун русумли дастгоҳлар катта ўрин эгаллади.

Пахта толасини пресслаш масаласида шуни айтиш лозимки, Туркистондаги кўпчилик пахта тозалаш заводларида дастлаб Грачев русумли винтли прессдан фойдаланилган. Кейинчалик эса буғ двигателли гидравлик пресслардан фойдаланиш кенг йўлга қўйилди².

Марказий давлат архивида сақланаётган Туркистон Хазина Палатасига тааллуқли 87-жамғармада солиқ инспекторлари томонидан пахта тозалаш ва пресслаш заводларидан 2 фоизли ер солиғини ундириш масаласида тузилган далолатномалардан мазкур заводларни бино ва иморатларини қурилиши, улардаги ишлаб чиқариш асбоб-ускуналари тўғрисида маълумотлар олиш мумкин.

Масалан, Андижон уездини Балиқчи волости Товулди қишлоғида жойлашган Дармонкул Каримкуловга тегишли сув кучида ишлайдиган пахтани тозалаш ва пресслаш заводини баҳолаш бўйича 1900 йил 25-октябрда тузилган далолатнома, Фарғона область бошқармаси маҳкамасининг умумий журналида қайд этилиб, унга кўра заводнинг икки қаватли биноси, пахта ҳом ашёсини сақлайдиган еттита омбори, ҳар бири 60 аррали 6 та жин, яъни пахта тозалаш дастгоҳлари, шунингдек, пахтани тойлаш учун Грачев ва Блокк русумидаги 2 та қўлда ишлатиладиган винтли пресслари бўлган.

² Ўша асар, ўша жойда

Андижон волостини Майли-Избоскан волостини Қўғай қишлоғида жойлашган Рахмат Бадалбоевга тегишли буғ кучи билан ишлайдиган пахта тозалаш ва пресслаш заводини баҳолаш юзасидан 1900 йил 27-октябрда далолатнома тузилиб, унга кўра заводнинг икки қаватли биноси, 4 та пахта сақлаш омборхонаси, SLOBRG фирмасида ишлаб чиқарилган локомобиль, 4 дона ҳар бири 60 аррали Претт русумли жинлар, 1 дона Грачев русумли кўлда ҳаракатга келтириладиган винтли пресси бўлиб, завод 1899 йилнинг иккинчи ярмидан фаолият юрита бошлаган.

Шунингдек, Фарғона область бошқармаси хўжалик бўлинмасининг 1901 йил 14-апрелда Янги Марғилон шаҳридан чиқиш ҳужжатлари китобида № 9407 рақами билан қайд этилиб, Туркистон Хазина Палатасига юборилган ва 1901 йил 17-апрелда Палатанинг кириш ҳужжатлари китобида № 576 рақами билан қайд этилган расмий хатда, Қўқон шаҳри ва Қўқон уездининг Қайнар волостидаги пахта тозалаш заводларини баҳолаш ва қайта баҳолаш бўйича Қўқон уездининг солиқ инспектори томонидан тақдим этилган саккизта далолатнома, Фарғона вилоят бошқармаси маҳкамасининг журналида 10-апрелда № 20 рақами билан тасдиқланган ҳужжатларни, кўрсатиб ўтилган журналдан олинган кўчирма билан тўлов варақаларини тузиш учун Хазина Палатасига жўнатиб юборган.

Фарғона вилоят бошқармаси маҳкамасининг умумий журналидаги 1901 йил 10 апрелдаги 20-сонли баённома ҳарбий губернатор Генерал-лейтенант Чайковский томонидан тасдиқланиб, ундан олинган кўчирмадаги ажримда, Мирроби Мирмахмудовнинг Қўқон шаҳри Бешариқ мавзесида жойлашган буғ кучида ишлайдиган пахта тозалаш заводи; Абдурахмон Назармухамедовнинг Қўқон шаҳрини Қатағон мавзесида жойлашган сув кучида ишлайдиган пахта тозалаш завод; Шоносир Шоабдуллаевнинг ворислари ва К нинг, Қўқон шаҳрини Тўхли Мерган мавзесида жойлашган сув кучида ишлайдиган пахта тозалаш заводи; Барон Андрей Львович Кнопнинг, Қўқон шаҳрини Шайхон

мавзесида жойлашган буғ кучида ишлайдиган пахта тозалаш заводи; Ака-ука Каменскийлар савдо уйининг Қўқон шахрининг Хайдарбек мавзесида жойлашган сув кучида ишлайдиган пахта тозалаш заводи; Москва савдо-саноат Ширкатининг (Қўқон уездини) Қайнар волостини Найманча қишлоғида жойлашган буғ кучида ишлайдиган пахта тозалаш заводи; Ярославль Катта мануфактураси ширкатини (Қўқон уездини) Қайнар волостини Аширкул мерган қишлоғида жойлашган сув кучида ишлайдиган пахта тозалаш заводи; Мирроби Мирмахмудовни (Қўқон уездини) Қайнар волостини Охун-Қайнар қишлоғида жойлашган сув кучида ишлайдиган пахта тозалаш заводи тўғрисида маълумотлар мавжудлигини таъкидлаш мумкин¹.

Фарғона вилояти бошқармаси томонидан Скобелев шахридан 1908 йил 5 апрелда 6916 рақами билан Тошкентга, Хазина Палатасига юборилган ва у жойда 1908 йил 9 апрелда 996 рақами билан қайд этилган расмий хатда Андижон баҳолаш комиссиясининг, Андижон шахридаги Яланғоч-қўрғон мавзесида жойлашган “К.М.Соловьев ва К” Савдо уйига тегишли буғ кучида ишлайдиган пахта тозалаш ва ёғ-мой заводини баҳолаш ҳақидаги далолатномани вилоят бошқармаси маҳкамасининг журналида 1908 йил 4 апрелда 52 рақами билан қайд этилган.

Мазкур ҳужжатлардан завод биноси ёғни ишлаб чиқариш ва пахтани тозалаш бўлимларидан иборат бўлиб, корхона, шунингдек, 3 та буғ қозонлари, буғ қозони учун инжектор, яъни буғ қозонига сув чиқариб турадиган асбоб, 115 вольтли ва 100 амперли динамо-машина, яъни электр токи ишлаб чиқарадиган машина, бир дона “Камнаунд” русумли буғ машинаси, иккита цилиндри ва 125 от кучига тенг музлатгичи билан, 10 та линтер, ҳар бири 80 аррали 8 та жин, бир дона пахтани тойлаш учун гидравлик пресс(яъни сув кучи билан ишлайдиган пресс) иккита қутиси билан, 2 та элеватор, кунжарани эзиш учун 3 та гидравлик пресс, 12000

¹ Шарафиддинов А. Фарғона вилояти тарихидан лавҳалар. (XIX аср охири – XX аср бошлари) I – китоб. – Т.: “Наврўз”, 2013. – Б. 69.

пуд ёғни сақлаш учун мўлжалланган цистерна, токарлик станог, жинларни арраларини чархлаш учун станокларга эга бўлганлигини билиб оламиз¹.

Ўлкадан империя марказига ташиб кетиладиган пахтани тозалаш ва пресслаш масалалари ҳам доимо чор ҳукуматининг эътиборида бўлиб келди. Жумладан, 1912 йил 25 ноябрдан 1 декабргача Тошкент шаҳрида пахтачилик ва пахта саноати масалалари юзасидан пахта мутахассисларининг съезди бўлиб ўтиб, у ерда ҳам пахтани тозалаш техникасини яхшилаш, толани пресслашни кучайтириш муаммолари муҳокама қилинганлигини таъкидлаб ўтиш лозим.

Ипакчилик саноати Ўрта Осиёда қадимдан халқ хўжалигининг муҳим тармоғи саналган. Туркистонликлар асрлар давомида бу соҳада ўз фаолиятларини такомиллаштириб келишган. Бу жараёни биз XIX аср охири XX аср бошларида ҳам кўришимиз мумкин.

Туркистонда Чор Россияси ҳукмронлик қилган даврда аҳоли ипакчилик фаолияти соҳаси билан самарали шуғулланганлиги тарихий манбалар ва адабиётларда кенг ёритилган. “Туркестанские ведомости” газетасида 1871 йилда берилган маълумотларга кўра, шу йили Туркистонда бир ярим миллион пуд ипак ҳомашёси тайёрланган. Бу ҳом ашё йиғирилганда, 100 минг пуд ипак ипини бериши мумкин бўлган.

Бироқ, мустамлакачилар ўлкани босиб олгач, бу соҳага етарлича эътибор берилмаганлиги боис бу қимматли ҳом ашё ўлка саноатида пастки ўринга тушиб қолган. Фақат XIX асрнинг 90-йилларидан бошлаб халқ бу тармоқда баъзи ижобий ўзгаришлар кўзга ташланди. Жумладан, 1910 йилда 350 минг пуд ипак ҳом ашёси етиштирилди. Бироқ 1914 йили бу курсаткич пасайиб, 190 минг пудга тушиб қолди. Бу пасайиш Чор Россиясининг Жаҳон урушига тортилиши билан боғлиқ эди.

¹ Шарафиддинов А. Фарғона вилояти тарихидан лавҳалар. (XIX аср охири – XX аср бошлари) I – китоб. – Т.: “Наврўз”, 2013. – Б. 70.

Ушбу ҳолатлар Туркистондаги ипакчилик тармоғида мураккаб вазиятни юзага келтирди. Қолаверса, ипакчиликнинг ташқи бозорга тобелиги оқибатида XX аср бошида Ўрта Осиё ипакчилик саноатини таназзулини вужудга келтирди. Маълумки, Ўрта Осиёда уруғчилик ишлаб чиқариш, пиллага дастлабки ишлов бериш имкониятларининг мавжуд эмаслиги, Ўрта Осиё ипакчилигини Европа ипак уруғчилиги ва пилла етиштириш саноатига бутунлай қарам қилиб қўйган эди.

Туркистон ўлкасида мустабид совет ҳокимияти ўрнатилгандан сўнг большевикларнинг ушбу ҳудудни улкан ҳом ашё базасига айлантириш мақсадларидан ипакчилик тармоғи ҳам четда қолмади. XX аср 20-йилларининг бошида ипак уруғини тайёрлаш ва аҳолини қурт уруғ билан таъминлаш, ипак ҳомашёсини сотиб олиш, фабрикаларда тўқимачилик ва йигириш устахоналарини ташкил этиш, четдан келаётган импорт маҳсулотларни чеклаш, ипак қуртини боқишнинг янги маданий усуллари қўллаш, тут экинзорларини кенгайтириш ва ипак фабрикаларини ташкил этишга алоҳида эътибор берилди.

Туркистонда ипакчилик соҳасини бошқариш мақсадида “Центршёлк” ташкил этилди ва унинг ерлардаги бўлимлари фаолият кўрсата бошлади. Туркистонда ипакчилик тармоғини Пахтачилик қўмитаси ҳайъати бошқарарди.

“Туркшёлк”нинг асосий фаолияти қуйидагилардан иборат бўлган: саноат ипакчилиги, уруғчилик, уруғчиликни назорат қилиш, илмий-тажрибавий ипакчилик, ўқув-тажрибавий ипакчилик, ипак ҳом ашёсини тайёрлаш ва сотиш, ҳомашёга дастлабки ишлов беришни таъминлаш ва х.к.

“Туркшёлк” ўлка ипакчилик тармоғига эгалик қилиб, республика эҳтиёжларини қондиришга алоҳида эътибор берган, айти пайтда, қурт уруғи, пилла, ипак маҳсулотларини чет элга экспорт қилиш билан шуғулланган.

“Туркшёлк” ташкилий жиҳатдан ўзининг тегишли тармоқларига эга бўлган. Унинг таркибида Тошкентда марказий бошкарув, Андижон, Кўкон, Наманган, Ўш, Скобелев, Самарқанд, Хўжанд, Полторацкий шаҳарларида тайёрлов идоралари, уруғ етиштирадиган саккизта корхона, Тошкент, Скобелев (Фарғона) да ипакчилик станциялари ва ипакчилик фабрикасига эга бўлган.

Бу даврда “Туркшелк” акционерлик жамияти фаолият кўрсатиб, “Туркшелк” акционерлик жамиятининг асосий фаолиятига қуйидагилар кирган:

- ипакчиликни ривожлантиришнинг моддий негизи сифатида биринчи галда тут экинзорларини ривожлантириш, шу мақсадда аъзоларига тут уруғи ва уч йиллик тут кўчатларни тарқатишни йўлга қўйиш;
- ипак қурти уруғи ишлаб чиқарадиган мавжуд корхоналарни ривожлантириш ва янгиларини ташкил этиш, ипак уруғи маҳсулотларини кўпайтириш. Ушбу жараёнларни қатъий назоратга олиш;
- ипакчилик станциялари фаолиятида илмий-тажрибавий, ўқув-кўргазмавий ва назорат-конструктивлик фаолиятини ривожлантиришга, Туркистоннинг турли минтақалари табиатини ипак қуртини боқиш ва парваришlashга таъсири ва ҳомашёни етказиш имкониятларини илмий ўрганишга, ипакчилик соҳасига ўрта махсус ва олий маълумотли мутахассислар тайёрлашга эътибор қаратиш;

“Туркшёлк” акционерлик жамиятида Туркистонда ипак ишлаб чиқаришни ташкил этишни механизациялаш муҳим вазифалардан бири сифатида кун тартибига қўйилган.

“Туркшёлк” ўз фаолиятини акционерлик жамият сифатида ривожлантириши зарур эди. Ўша пайтда, ипакчиликни ривожлантиришда асосий омил аҳолидан олинган ипак маҳсулотларини сотишни ташкил қилиш эди. Шу мақсадда “Туркшёлк” Москва, Эрон, Қашғар, Франция, Италия каби мамлакатлар билан алоқалар олиб борди.

“Туркшёлк”нинг асосий тезкор бозорларини ташкил этиш ҳамда Туркистон республикаси “Туркшёлк”нинг асосий савдо операциялари бозорини ташкил этиш (60 фоиз маҳсулотларни “Туркшёлк”ка хунарманд-косиблар тайёрлаб берарди) акционерлик жамиятининг асосий вазифаларидан бири эди.

“Туркшёлк” бу вазифаларни муваффақиятли амалга ошириш учун маҳаллий уруғчилик муассасаларида қурт уруғи тайёрлаш, мамлакат ичкараси ва чет эллардан уруғ сотиб олишни йўлга қўйиш, уруғчилик устидан сифат назорат ўрнатиш, ипак етиштиришни, ипак ишлаб чиқаришни тегишли кредит маблағлари билан таъминлаш, барча турлар бўйича ипак ҳом ашёсини тайёрлаш ва ипак маҳсулотини бирламчи қайта ишлаш фабрикаларини ташкил этиш фаолиятини олиб борди.

Мамлакат миқёсида ипак саноатига бўлган эҳтиёжнинг ортиб бориши, бу соҳада муайян даражада қўлга киритилган ижобий натижалар туфайли «Туркшёлк» амалга оширадиган вазифалари доираси ҳам кенгайиб борди. Натижада унинг таркибида тайёрлов (ҳом ашё ва мануфактуравий), ишлаб чиқариш таъминоти, ҳисоб-китоб ва назорат, иқтисодиёт (статистика ва информация), марказий ипак станция, маъмурий бўлимлар (уруғчилик ходимлари ўқуви, инструкторлар ўқуви) ташкил этилди ва фаолият юрита бошлади.

20-йилларнинг охирига келганда унинг таркибида “Ўзбекшёлк” қўмитаси ташкил этилиб, унинг таркибига 16 бўлимдан иборат қўмита тасдиқланди. Ўзбекистонда алоҳида фаолият кўрсатиши назарда тутилган. Бу трест иттифоқ мақомига эга булиб, Фарғона, Самарқанд, Марғилондаги фабрикалар билан бирга туркман, тожик ипакчилик корхоналарини ўз тасарруфига олди. Ипакчиликни бошқариш соҳасидаги ўзгаришлар оқибатида бу ташкилотнинг фаолияти янада мукаммаллашди ва 1933 йилдан “Ўзбекшёлкпромтрест”га айлантирилди.

ХУЛОСА

Ўлкамизга рус босқинидан бутун минтақада бўлганидек Андижонда шахрида ҳам рус мустамлакачилиги бошқарув тизими ўрнатилди. 1876 йили Андижон уезди ташкил бўлиб, унинг бошлиғи Смирнов бўлган (бошқа манбаларда Семёнов). Архив манбаларнинг бирида Андижон уезди бошлиғи подполковник Кошиевский бўлгани, 1866 йил 8 августдан прапоршик лавозимида харбий қисмда хизмат қилгани, 1876 йил 6 мартдан Андижон уезд бошлиғининг катта ёрдамчиси бўлиб хизмат қилгани, ўзбек тилини яхши билгани, маҳаллий тилда эркин ёзишни билгани қайд этилган. Хуллас, Андижон уездининг биринчи бошлиғи рус миллатига мансуб Смирнов бўлган. Уезд ер ўлчовчиси В.Колодовкиннинг 1890 йили тузган (**“Карта Андижанского уезда Ферганской области”**) харитасида Андижон уезди таркибида *Балиқчи, Норин, Хақулбод, Избоскан, Олтинкўл, Хакан, Ёрбоши, Магир, Новкент, Қўқонқишлоқ, Бозорқўрғон, Ойим, Қўрғонтепа, Қорасув, Кўгарт, Жалолқудуқ, Чанкент, Жалолобод, Майлисой, Моси, Кенколқорагир, Қоракўлсарисуи* волостлари бўлган.

Фарғона области манзиллар маълумотномаси китобида қайд қилинишича 1908 йилда Андижон уезди бошлиғи Юлиан Алдрович Бржезицкий, унинг ўринбосари Я.Е.Полюдов, котиби И.В.Новоселов, хат

ташувчиси Ф.Д.Ришков, иш бошқарувчиси П.А. Архипов, тилмочи Иса Тергиусизов бўлган.

Бу билан биз Андижон шаҳри руслар томонидан эгаллангандан сўнг марказий бошқарув тизими тўлалигича руслар қўлига ўтганлигини кўришимиз мумкин.

Руслар босқинидан сўнг шаҳар секин асталик билан бўлсада капиталистик муносабатлар ривожлана бошлади. Хусусан бунда рус ва чет эл капитали муҳим аҳамият касб этди.

Россиянинг Ўрта Осиёдаги иқтисодий сиёсатининг асосий йўналиши ушбу минтақани империянинг ҳом ашё манбаига ва рус саноати маҳсулотларининг бозорига айлантиришдан иборат бўлди. Ушбу мақсадда рус генерал-губернаторлари Ўрта Осиёга рус савдо-саноат ва молиявий сармояларнинг кириб келиши учун қулай шароитлар яратишга алоҳида эътибор қаратишди.

Фарғона вилояти Ўрта Осиёнинг асосий пахтачилик ҳудудига, пахта маҳсулотлари етиштирадиган ҳудудига айланди.

XIX асрнинг 70-80 йилларида Ўрта Осиёда, шу жумладан Фарғона водийсида, Н.Н.Коншин, Т.С.Морозов, Н.П.Кудрин, А.Г.Кузнецов ва бошқа рус савдогарлари ва тадбиркорлари савдо операцияларини амалга оширардилар. Рус молиялари билан биргаликда чет эл сармоялари ҳам минтақага аста-секин кириб келди.

Пахтани ҳарид қилиш ва дастлабки ишлов бериш бўйича фаолиятни Ярославль Катта Манфактураси ширкати олиб борди. Ширкат Ўрта Осиёда, шу жумладан Андижон уездида, пахта далаларига эга эди. Бундан ташқари, 16 та пахта тозалаш заводига эгалик қиларди. Ширкатнинг заводлари ва идоралари Қўқон, Андижон, Янги Марғилон, Наманган ва бошқа шаҳарларда мавжуд бўлганди. 1915 йилда ширкат “Беш-Бош” бирлашмасига кирди.

“Ака-ука Шлосберглар” савдо уйи ҳам 1888 йилдан бошлаб кўплаб миқдорда пахта харид қилди ва Андижон, Қўқон, Наманган,

Асакада ўз идораларига эга эди. Пахтани тозалаш ва пресслаш ишларини 12 та ижарага олган заводларда амалга оширди.

1841 йилдан Москвада истиқомат қилган немис барони Л.Г.Кноп асос солган “Л.Кноп” савдо уйи XIX асрнинг 90-йиллардан бошлаб Ўрта Осиёда пахта билан боғлиқ операцияларини амалга оширди. Савдо уйи Наманган ва Андижонда ўз бўлимларини очди, Қўқон уездида 355000 пуд ишлаб чиқарадиган иккита пахта тозалаш заводини харид қилди.

1912 йилда “Л.Кноп” савдо уйи Потеляхов савдо-саноат ширкатига таъсисчилик қилди. Ширкат Қўқонда, Андижонда, Фарғонада, Наманганда, Эски Марғилонда 7 пахта тозалаш, ёғ ва совун заводларига эгалик қилди.

Хуллас иқтисодий соҳани хорижликлар секин – аста ўз назорати ола бошлади. Савдо муносабатларида асосан Россия подшолиги билан амалга оширилиб, бунда асосий ўринни пахта хомашёси эгаллаган.

ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохатларини чуқурлаштириш йўлида. -Т.: Ўзбекистон, 1995.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиклол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-жилд. -Т.: Ўзбекистон, 1996. – 364 б.
3. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-жилд. -Т.: Ўзбекистон, 1996. – 366 б.
4. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. 5-жилд. -Т.: Ўзбекистон, 1997. 384 б.
5. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. -Т.: Шарқ, 1998. -31б.
6. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. 8-жилд. -Т.: Ўзбекистон, 2000. – 528 б.
7. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. 10-жилд. -Т.: Ўзбекистон, 2001. – 408 б.
8. Каримов И.А. Ўзбекистон мушакилликка эришиш остионасида. -Т.: Ўзбекистон, 2011.
9. Абдурахимова Н.А., Эргашев Ф.Р. Туркистонда чор мушамлака тизими – Т., 1999.
10. Алимов И.А. Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида социалистик ўзгаришлар – Т.: Ўзбекистон, 1972
11. Тарих –шоҳидлиги ва сабоқлари: чоризм ва совет мушамлакачилиги даврида Ўзбекистон миллий бойликларининг ўзлаштирилиши - Т.: Шарқ, 2001.-464 б.
12. Ўзбекистон тарихи (1917-1993 йиллар). – Т.: Ўқитувчи, 1994.
13. Ўзбекистон тарихи (олий ўқув юртларининг номутассислик факультетлари талабалари учун дарслик. – Т.: “ЎАЖБНТ” маркази, 2003. -775 б.
14. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Биринчи китоб. Туркистон Чор Россияси мушамлакачилиги даврида. -Т.: Шарқ, 2000. - 464 б.

15. Ўзбекистон тарихи фанидан мукаммал қўлланма. –Т.: “DAVR PRESS”, 2010.
16. Қосимов Б. Миллий уйғониш. –Т.: Маънавият, 2002.
17. Шарафиддинов А. Фарғона вилояти тарихидан лавҳалар. (XIX аср охири – XX аср бошлари) I – китоб. – Т.: “Наврўз”, 2013.
18. Шамсутдинов Р., Каримов Ш. Ватан тарихи (Ўзбекистон шўролар истибдоди даврида). Иккинчи китоб. –Т: Шарқ, 2010.
19. Шамсутдинов Р., Мўминов Х. Ўзбекистон тарихи – Андижон, 2011.
20. Шамсутдинов Р.Т.Исҳоқов А.А. Андижон тарихидан лавҳалар. – Т.: “Sharq” , 2013.